Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 32 (4727)
8 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА» саҳифаларида

⊙ Франция Коммунистик партиясининг XXIV съездида КПСС делегациясига бошчилик қилаётган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко 6 февраль куни Франция бош министри П. Моруа билан учрашди. К. У. Черненко Совет Иттифоқининг жаҳонда ҳарбий қарама-қаршиликни камайтиришга қаратилган ташқи сиёсатга доир сўнгги ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Дўстона, ошкора вазиятда ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко иштирок этдилар.

⊙ «Раҳбарнинг ташаббуси» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

⊙ «План ва қурилиш» сарлавҳали газетанинг бугунги иқтисодий обзорида КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми томонидан қурувчилар олдига қўйилган вазифалар, мавжуд камчиликларни тузатиш йўллари ҳақида фикр юритилади.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИДА

ОЛМАОТАДА КИТОБ ПАЛАТАСИ

«ГипроНИИполиграф» давлат лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали коллективи шаҳримиз ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида бунёд этиладиган босмахоналар, китоб магазинлари, нашриёт ва шунга ўхшаш биноларнинг лойиҳаларини яратиш устида изланмоқда. Ўтган йил коллектив қувончли ва самарали меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришди. Бир неча лойиҳа ишлари муваффақиятли тугалланди.

БУГУН

институт ходимлари Олмаота шаҳрида бунёд этиладиган давлат китоб палатаси биноси лойиҳасини тамомладилар.

Лойиҳа бош инженери Д. А. Файсман. Бино лойиҳаси ва қурилиши учун 2 миллион 900 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, яқин кунларда қурилиш ишлари бошланади.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган юзлаб меҳнат илғорлари бор. Ана шундай ишчилардан бири, коммунистик меҳнат зарбдори М. Степановадир. У 25 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Илғор тўқувчи ёшларнинг дўсти ва ғамхўр мураббийсидир.

СУРАТДА: М. Степанова иш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТА

БУГУН СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН АВЖ ОЛАЁТГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЗАРБДОР ҲАФТАСИ БОШЛАНДИ. БУ ҲАФТА ҚУРИҚ ЗАБТКОРЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН.

• Саноат хроникаси

ХИЛМА-ХИЛ ШИРИНЛИК

Пойтахтимиздаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг конфет ишлаб чиқариш цехи коллективи шу кунларда СССР 60 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат қилмоқда. Цех коллективи беш йиллик планни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган. Цехда бир нечта илғор бригадалар меҳнат қилади. Ана шундай бригадалардан бири В. Низомова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасидир. Бригадани ташкил этган 22 ишчининг ҳаммаси пешқадам саналади.

Бу ерда асосан асалли — «Ўзбекистон мевалари», «Янги йил», «Топишмоқ» сингари конфетлар ишлаб чиқарилади. Бригада коллективи кунлик план топшириқларини 120—125 процентдан адо этиб, цех ишчилари ўртасида катта ҳурмат қозонмоқда. Кунига 3500 килограмм ўрнига 4 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Йил давомида яна беш хил номда конфетлар ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Бригаданинг М. Мирсаидова, М. Раҳимбоева, Х. Пўлатова, М. Аюпова, З. Хамидуллина, А. Гризнова ҳамда Н. Наборная сингари ўнлаб ишчилари шу кунларда йиллик планни бажариш арафасида туришибди. Бу илғорлар Тошкентнинг 2000 йиллигигача беш йиллик планни уддалаш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

ЯНГИ БУЮРТМА

БУГУН

шаҳримиздаги «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида Эрон республикаси учун маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Янги буюртма асосида тайёрланадиган маҳсулотлар туркуми шу ойнинг охиригача буюртмачи мамлакатга етказиб берилади.

Ҳозир корхонанинг хорижий буюртмачилари сони 55 тага етган. Нигерия, Туркия, Ангола, Эфиопия, Франция, Вьетнам, Монголия, Румыния сингари мамлакатлар бирлашманинг доимий буюртмачиларидир. Корхона бу мамлакатларга сифатли шчитлар, маиший автоматлар, переключателлар ва хилма-хил электр жиҳозларини етказиб беради.

Шу кунларда корхонада СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизғин давом этмоқда. Бирлашманинг 300 ишчиси ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда бажариш мажбуриятини олган. Айни пайтда бу илғорларнинг издошлари кўпайиб бормоқда.

БРИГАДА ҒАЙРАТИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Н. Христунова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида фидокорона меҳнат қилиб, қувончли муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бригада чеварлари фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашмоқда. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 45 киши меҳнат қилади. Коллективнинг асосий қисмини серғайрат ёшлар ташкил қилади. Бригада аъзолари кунлик план топшириқларини 125—130 процентдан бажариш билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Бу ерда асосан эркакларга мўлжалланган хушбичим шимлар тайёрланади. Ҳар бир ишчи 4-5 хил тикиш операциясини бемалол бажара олади. Шунинг учун чеварлар бир кунда 300 ўрнига 330-340 тадан шим тайёрлаб беришмоқда. А. Савосткина, Т. Юнусова, Н. Мельникова ва М. Алимова сингари ишчиларнинг меҳнати, айниқса, таҳсинга лойиқ. Бу илғорлар СССР 60 йиллиги кунигача уч йиллик планни бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

КОММУНИСТЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЎХТАТМАЙ

Тошкентдаги «Компрессор» заводида қурилган бош ишлаб чиқариш корпуси ишга туширилди. Корхонанинг реконструкция қилинганлиги, саҳни ўн икки минг квадрат метрдан кўп бўлган янги цехларнинг ишга туширилиши машинасозларга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қўшимча 1340 та компрессор тайёрлаш имконини беради.

Завод партия ташкилоти корхонани реконструкция қилишни жадаллаштиришда актив ёрдам берди. Завод партия комитетининг вакиллари шаҳар ва район партия комитетларининг раҳбарлари билан бирга янги бош ишлаб чиқариш корпусини қуриш ишида иштирок этишди. Уларнинг таклифи объектни битказиш муддатини қисқартиришга имкон берди.

Ишга тушириш арафасида корхона дирекцияси ва партия ташкилоти ёрдамчи цехлардан бир группа ишчиларни қурувчиларга кўмак бериш учун юборди. Завод мутахассислари «Муддатидан илгари қуриб битказамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз!» шиори остидаги мусобақага қўшилиб сантехника ва электр симларини графикда кўзда тутилганидан икки баравар тезроқ монтаж қилдилар, ўнлаб янги технология асбоб-ускуналарини ўрнатдилар.

Машиналарни узлуксиз йиғиш учун деталлар запасини таъминлаш мақсадида коммунистларнинг ташаббуси билан завод цехларида бир қанча участкалар ишининг уч сменали графигига ўтказилди.

Заводни реконструкция қилиш давом этмоқда. Корхонани техника билан қайта таъминлаш шу беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба цехида янги модадаги эркаклар костюмларини яратиш борасида кенг кўламда изланиш олиб борилялти.

СУРАТДА: шу цехнинг ёш модельери М. Колесникова.

М. Нуриддинов фотоси.

БИРИНЧИ ТАҚДИМДАЁҚ

Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон буюмлари тажриба заводига республика Автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлигидан қувончли хабар олинди.

СССР Давлат қурилиши комитетида ва СССР Давлат стандарти комитетида яна бир маҳсулот — «ПДН» кўприк типидаги плита давлат Сифат белгиси рўйхатидан ўтказилди. Корхонада беш қиррали фахрли белги билан устунлар, узунлиги 9 метрли плиталар, узунлиги 24 метрли тўсинлар ва ҳар хил диаметрдаги 3 хил қувур ишлаб чиқарилмоқда. Ҳаммаси бўлиб 5 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Қолган маҳсулотлар эса биринчи категорияли Сифат белгисини олган.

Завод меҳнатчилари цех ва участкаларда сифатни бошқаришнинг комплекс системасини тадбиқ этишмоқда. Бу маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топшириш имконини беради. Корхонанинг маҳсулотлари шаҳримиз қурилишларидагина эмас, Байкал-Амур магистрали, Қозоғистон, Тюмень йўллари қурилишида ҳам қўл келмоқда.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ЁДГОРЛИГИ

«СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида социалистик мусобақа кенг авж олдирилган Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинати меҳнат аҳли маданий ёдгорликларни асраш ва янгиларини яратиш устида тинмай изланмоқда.

Она-Ватан озодлиги учун курашларда қаҳрамонлик кўрсатган кишилар, меҳнат қаҳрамонлари ва шоир, ёзувчиларнинг сиймоларини абадийлаштириш мақсадида комбинатда янги-янги ҳайкаллар, ёдгорликлар яратилмоқда.

БУГУН

комбинатда «Халқлар дўстлиги» монументини тайёрлашга киришилди.

Бронзадан ишланаётган бу монументнинг бўйи 5 ярим метр бўлиб, уни ҳайкалтарош Мухтор Мусабоев ва постаментини эса архитектор Карим Молтувовлар яратишган. Монумент Нукус шаҳрида ўрнатилади.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Тошкентдаги «Миконд» заводида беш йиллик бошлангандан бери биллур буюмлар ишлаб чиқариш учдан бир ҳисса кўпайди. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги техникани жорий этиш натижасида шунга эришилди. Ҳозирги вақтда «Миконд» маркаси қўйилган ҳар икки буюмдан бири Сифат белгисига сазовор бўлган.

(ЎзТАГ).

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетида ўртоқлик судлари раислари ва аъзоларининг навбатдаги семинари ўтказилди. Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон ССР адлия министри ўринбосари А. И. Шербаков «КПСС XXVI съезди талаблари асосида ўртоқлик судларининг корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданларнинг турар жойларида тартиб бузилишининг олдини олишга қаратилган ишларни кучайтириш бўйича вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Шунингдек семинар қатнашчилари жойларда олиб борилаётган профилактика ишлари юзасидан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

• Ўзбекистон—жаҳон даврасида

ВЕНГРИЯ ЧОРЛАЙДИ

БУГУН

Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театри раққосаларининг одатдан ташқари репетицияси бошланди. Рақсларни сайқаллаштириш ишига театрнинг бош раққосаси, СССР халқ артисти Галия Измайлова бадиий раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбек рақс санъати усталарини шу йил — март ойида Венгрия Халқ Республикасида ўтадиган классик хореография санъати конкурси чорламоқда.

— Театримиз раққосалари, — дейди халқаро беллашувга тайёргарлик кўраётган группанинг бадиий раҳбари Галия Измайлова, — шу кунларда ғоятда катта масъулият ҳисси билан ёнмоқдалар. Биз ўзимизнинг ижодий ва ижрочилик фаолиятимизда биринчи марта чет элда ўтказиладиган катта обрўли конкурсга таклиф этилганмиз. Конкурсга бориш учун ҳаммаси бўлиб 35 рақкоса тайёргарлик кўрмоқда. Улар орасида Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Замира Давлатмуродова ҳам бор. Ҳаммамизга маълумки, бу истеъдодли рақкоса ўтган йили Москвада бўлиб ўтган IV Жаҳон рақслари кўригининг дипломантидир. Ундан ташқари республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Гули Ҳамроева, рақкоса Феруза Саъдуллаева, Шавкат Турсунов, Ҳасан Бозоров ҳам бор. Конкурсга Токиода бўлиб ўтган халқаро балет конкурсининг лауреати Василий Клочко ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

Бир сўз билан айтганда биз халқаро миқёсда Ўзбекистон санъатини кўз-кўз этажагимиздан чексиз хурсандмиз.

Биринчи галда тежамкорлик

Халқ хўжалиги юкларини ташишда шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш трестига қарашли 2505-автоколонна хизматчилари ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Коллектив ўтган йил давомида 200 тонна бензин тежаб қолган эди. Январь ойининг 17 кун давомида автоколонна шофёрлари мана шу тежаб қолинган бензин ҳисобига меҳнат қилишди. Бундан ташқари 60 минг соат электр энергияси ва 30 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам тежаб қолинди.

Тежамкорликда шофёрлардан М. Абдуллаев, А. Томонков, М. Шодиевлар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Шунинг билан бирга бу ҳайдовчилар коллектив илғори саналади. Улар ўтган йил мобайнида пландан ташқари 3 минг тонна юкни манзилларга етказиб беришди.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Тошкент бўлинмасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига ва Тошкентнинг 2 минг йиллигига бағишланган интернационал дўстлик кечаси бўлиб ўтди.

Бу маросимни темирйўлчилар маданият саройи, республика театр жамияти актёрлар уйи, темирйўлчилар касаба союз комитети ташкил этди. Ишчи синфи вакиллари билан санъат арбобларининг бу учрашувига икки юздан зиёд коммунистик меҳнат зарбдорлари, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаган илғорлар йиғилдилар. Локомотив депосининг машинистлари, пўлат изларнинг меҳнатчилари корхоналарда ёқилғи ва электр қуввати қандай тежалаётганлиги, планга қўшимча халқ хўжалик юклари ташилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

Йиғилганлар Навоий, Ҳамза номли, оперетта театрлари, «Ўзбекконцерт» санъаткорларини самимий кутиб олдилар. Улар темирйўлчилар учун марокли концерт қўйиб беришди.

Проза муҳокамаси

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи проза советининг 1981 йилда эълон қилинган проза асарлари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Муҳокамани Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати ёзувчи Одил Ёқубов қисқача кириш сўзи билан очди. Ўтган йили яратилган қисса ва романлар ҳақида филология фанлари кандидати, адабиётшунос Абдуғафур Расулов, публицистика, очерк ва ҳикоялар ҳақида ёзувчи Ўткир Ҳошимовларнинг докладлари тингланди. Бу докладларда 1981 йил прозасининг асосий тенденциялари, проблематикаси, яратилган қисса, роман ва ҳикояларнинг ғоявий ва бадиий хусусиятлари атрофлича таҳлил этиб берилди. Маърузачиларнинг 1981 йилда эълон қилинган проза асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари катта қизиқиш билан тингланди.

Ушбу докладлар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда адабиётшунос олимлардан Умарали Норматов, Норбой Худойбергаnов, Озод Шарофиддинов, Очил Тоғаев, Анқобой Қулжонов, Собир Мирвалиев, ёзувчилардан Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, ёш ёзувчи Мурод Муҳаммад-Дўстлар сўзга чиқишиб, ўтган йили яратилган проза асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида рўйирост, қизғин баҳс-мунозаралар шаклида ўз фикрларини баён этдилар.

КЛУБНИНГ ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТИ

Тошкент Билимлар уйида Ўзбекистон киносаёҳатчилари клубининг бу йилги биринчи йиғилиши ўтказилди.

Дастлабки машғулот Шимолий Кавказ тоғларининг гўзалликлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Домбай — тоғлар ва афсоналар» фильмини кўриш билан очилди.

Йиғилганлар СССР халқ артисти А. Згуридининг «Гондвананинг ёввойи ҳаёти» фильмини ҳам кўрдилар. Бу санъаткор илгари клубнинг йиғилишларидан бирида қатнашиб, «Центрнаучфильм» студиясининг бир қатор қизиқарли лентарларини намойиш қилган эди. Ўзбекистон киноҳаваскорлар клуби ана шундай таниқли киноусталарини машғулотларга тез-тез таклиф қилиб туради.

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЁШЛАР ЖУРНАЛИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Ёшлик» журнали нашр этилаётганлиги илгари хабар қилинган эди. Мана, ниҳоят, республикамиз ижодкор ёшлари ва кўп сонли адабиёт мухлисларининг орзуси ушалди: журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи бўлган журналнинг илк сони Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асари билан очилади. Журнал адресига таниқли ёзувчи ва шоирлар, матбуот органларидан табрикномалар келган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли адиб Ш. Р. Рашидов, СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари Г. Марков, таниқли адиблар Р. Гамзатов, М. Карим, С. Азимов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов, «Юность» журнали редколлегияси, таниқли меҳанизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва бошқалардан келган табрик телеграммалари журнал саҳифаларидан ўрин олган.

Адабиёт ихлосмандлари бу сонда Ҳ. Султоновнинг «Саодат соҳили» қиссаси, Шароф Убайдуллаевнинг «Салом, Ойқиз тимсоли» очерки, Н. Қобул, М. Муҳаммад-Дўстнинг янги ҳикоялари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳалима Худойбердиева, Отаёр, М. Ҳамроева, О. Суюндиқоваларнинг шеърлари билан танишадилар.

«Қалдирғоч» рубрикаси остида ёш қаламкашлар А. Азимовнинг шеърлари, М. Аҳмедованинг ҳикояси берилган.

«Ёшлик» баҳси» бўлимида эса «Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» материали бор. Ёзувчи А. Муқимовнинг тажрибали педагог М. Абдурасулов билан ёшлар тарбияси, маориф ишининг баъзи масалалари ва муаммолари хусусидаги суҳбати билан танишиш мумкин.

Александр Фадеев ҳамда атоқли турк шоири Нозим Ҳикмат туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган бир қатор материаллар эълон қилинган. «Адабий танқид», «Санъат», «Публицистика», «Тақриз», «Спорт» бўлимларида ҳам хилма-хил, қизиқарли материаллар бор.

Журналнинг сўнгги саҳифалари сатира ва юмор ишқибозларига аталган. «Ёшлик»нинг ақл тиши» рубрикаси остида Қувноқ қитмир ҳангомалари, Абдулла Ориповнинг янги ҳажвий шеърлари билан танишасиз.

ФИЛЬМ ТОМОШАБИНЛАРИ — УНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

«Паркентводстрой» трестидан В. Алексеев ва Б. Туропов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаларининг аъзолари — Паркент канали қурувчилари «Сариқ тепаликларга ҳужум» қисқа метражли фильмнинг қаҳрамонлари ва биринчи томошабинлари бўлишди. Лента авторлари, Тошкент область касаба союз кенгаши клубининг кино ҳаваскорлари В. Хўжаев, Д. Усмонов, М. Затучныйлар жонажон ўлка қиёфасини ўзгартирувчиларнинг илҳомбахш меҳнатини кўрсатдилар. Бу фильм республика киноҳаваскорларининг Ўзбекистон касаба союзлари XII съездига бағишланган конкурси якунларига кўра энг яхши фильм деб топилди.

Жюрига тақдим этилган турли жанрдаги кинофильмлар — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақа тўғрисида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва социал страхованиени яхшилаш, физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасида касаба союз ташкилотларининг иши тўғрисидаги образли ҳикоядир.

Ҳозир республикада тўрт минг нафар кино ҳаваскорни бирлаштирган 170 дан кўп ҳаваскорлик студияси ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистонда суғориладиган ер майдони 55 миллион гектардан ошиб кетди. Шу беш йилликда (1980—1985 йиллар) 50 дан кўпроқ ирригация иншооти ишга туширилади, деб хабар берди ирригация министри К. Панде.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда деҳқончиликни интенсивлаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Суратгарх, Ҳисор, Кананнур ва бошқа районларда Совет Иттифоқининг ёрдами билан тузилган катта-катта фермаларнинг иш тажрибаси, деб таъкидлайди маҳаллий матбуот, бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир.

▲ **ДАМАШҚ.** Бу ерда Сурия ёзувчиларининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди.

Съезд Сурия Араб Республикаси Араб ёзувчилар иттифоқининг 1982 йилги иш программасини белгилади. Программада мамлакат адибларининг ижтимоий фаолиятини кенгайтириш, иттифоқнинг нашриёт базасини яхшилаш кўзда тутилади. Съезд шу йилнинг май ойида ўтказиш мўлжалланган «Осиё ва Африка мамлакатлари драматургияси» симпозиумига тайёргарлик масаласини ҳам муҳокама қилди. Сурияда араб адабиёти тарихи музейини ташкил этиш юзасидан тайёргарлик ишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

▲ **АНҚАРА.** Туркия қишлоқ жойлари ва кооперативлар ишлари министри М. Гюней мамлакат маслаҳат мажлисида бундай деди: Туркиядаги қишлоқ ва посёлкаларнинг ярмида электр йўқ, қишлоқ жойлардаги 15 мингдан кўп аҳоли пункти эса ичимлик сувдан маҳрум. Министрнинг эътирофи этишича, ишсизлик ва оғир турмуш шароитлари Туркия деҳқонларини қишлоқларни ташлаб, иш қидириш учун шаҳарларга кетишга мажбур қилмоқда.

▲ **КОБУЛ.** Афғонларнинг яна 40 оиласи ўз юрти — Жануби-шарқий Нангарҳар вилоятига қайтиб келди. Қайтиб келган афғонлар маъмурият маҳаллий органлари билан бўлиб ўтган учрашувда қадрдон қишлоқларига қайтиб келиш учун имконият яратиб берган Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматига миннатдорчилик билдирдилар. Улар мамлакатдан чиқиб кетган афғон гражданларини чўчитишга уринган душман пропагандасининг ёлғон-яшиқ характерини фош этдилар.

▲ **ДАККА.** Пойтахтдаги энг катта заллардан бирида «Бангладеш — СССР» дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан уюштирган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда мамлакатнинг таниқли жамоат ва давлат арбоблари нутқ сўзладилар.

Бангладеш халқи ёш республикага унинг мустақиллиги учун курашида, кейин эса миллий экономикани тиклаш ва ривожлантиришда СССР берган маънавий ва сиёсий мададни ҳеч қачон унутмайди, деди жут ва тўқимачилик саноати министри М. Ю. Али. У икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик бундан буён ҳам муваффақиятли равишда ривожланаверади ва мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

• Беш йиллик ва коммунист

Меҳнат кўтаринкилиги руҳида

Партиямиз XXVI съездида 80-йиллар ва ўн ва ўн биринчи беш йилликнинг актуал халқ хўжалик проблемалари ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди. «Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси, — дейилган эди съездда, — халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат». Бунинг учун эса ҳаммамиздан уюшқоқдик, ишчанлик, интизом билан ишлаш талаб этиларди.

Корхонамиз коммунистлари съезд тарихий қарорларини изчил амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига партиявий таъсирни кучайтиришга, ўзларининг етакчилик ролини оширишга интилмоқдалар.

Партия Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида сўзлаган ёрқин нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев «Съезд ўртага қўйган коммунистик бунёдкорлик соҳасидаги катта ва мураккаб вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига совет халқининг ишончи комил», деб таъкидлаб ўтган эди. 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида Пленумда ҳаққоний таъкидлаб ўтилганидек, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бизда 18 та цех партия ташкилоти ва 31 та партия группаси иш олиб боради.

Агар ўз цехимизга назар ташласак, партия ташкилоти ўз ишини йил сайин такомиллаштириб бораётганини кўрамиз. Партия ва меҳнат ветеранлари ёшларга ўз тажриба ва билимларини муттасил ўргатиб боришяпти, корхона анъаналарини муносиб давом эттиришга, ҳамиша юксак бурчни ҳис этишга даъват этмоқдалар. Улар сафида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, моҳир ташкилотчи Николай Матвеевич Железнов ҳам бор. У бошчилик қилаётган бригада ҳамиша янги-янги ташаббуслар билан чиқади. Масалан, Ҳамза районидаги илғор корхоналарни меҳнат коллективларининг «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ватанпарварлик ташаббусини корхонамизда биринчилар қаторида ана шу бригада қўллаб-қувватлади. Ҳозир бу шиор остида барча цех ва бўлимларнинг коллективлари мувaффақиятли мусобақалашмоқдалар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Аввало, цех партия ташкилотининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари самарасидир. Электрслесарь, коммунист Т. Чередникова электр машина цехи партия ташкилотига етакчи қилиб сайлангандан сўнг айниқса уюшқоқлик ва интизом кескин кучайди. Меҳнат ва технологик интизомни бузувчиларга қарши қатъий кураш олиб борилди. Бизнинг электр-аппарат цехимизда энг аввало, тарбиявий таъсир чоралари кучайтирилганини айтиб ўтмоқ лозим. Табиийки, уюшқоқлик ва интизом кучайгач, ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўпайди ва унинг сифати яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

Цехимизнинг коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олгани зиммамизга ҳамиша катта масъулият юклайди. Мен ана шундай цехда, уюшқок ва аҳил коллективда меҳнат қилаётганимдан фахрланаман. Ҳалол ва самарали меҳнат фаолиятим учун Ўзбекистон Компартияси ХХ съезди ишида қатнашиш шарафига муяссар бўлганман.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг ХХ съезди қўйган жуда катта вазифаларни ҳал этишга ўзим етакчилик қилаётган бригада ҳам ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Биз ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатдан илгари бажаришга аҳд қилганмиз. Маълумки, ўтган йили цехимиз партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлган эди. Унда қилинган ишларга якун ясаш билан бирга ҳал этилмаётган муаммоларга ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, техника ютуқларини янада дадилроқ жорий этиш, коллектив аъзоларини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий руҳда тарбиялашнинг узвий бирлигига эришиш, ишчи ва хизматчиларнинг маиший турмуш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш сингари бир қатор вазифалар қўйилди. Бугунги кунда шуни фахр билан айта оламизки, булар муваффақиятли адо этилмоқда. 2ТЭ10В ва 2 ТЭ10Л сериясидаги тепловозларни сифатли ремонт қилиш, электр машиналар ишлаб чиқариш бўйича қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга цехимиз коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

А. БЕСЧЕТНОВА,
Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг бригада бошлиғи.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

«МАШСТРОЙ»НИНГ ШОН-ШУҲРАТИ

СОФИЯ. Троян шаҳридаги «Машстрой» комбинати рақамли программа билан бошқариладиган янги серунум металл қирқувчи станок ишлаб чиқара бошлади. Бу станок ғоят аниқ деталлар ишлаб чиқариладиган автомат линияларда кенг кўламда қўлланиладиган бўлади, бу эса меҳнат унумдорлигини етти баравар ошириш имконини беради.

«Машстрой» комбинати республика машинасозлик саноатининг замонавий пешқадам корхоналаридан биридир. Унинг маҳсулоти ҳақли равишда кўпгина мамлакатларда шон-шуҳрат қозонди.

Совет мутахассислари кўмагида ўтказилган реконструкция ишлари, Москвадаги «Красный пролетарий» заводининг тажрибасидан кенг фойдаланиш натижасида комбинатда юксак самарали универсал токарлик станокларини, программа билан бошқариладиган револьвер станокларни, горизонтал йўнувчи машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

РОБОТЛАР УЧУН ИШ

БЕРЛИН. Брювхайндаги (Карл-Маркс — штадт округи) электр моторлар заводининг қуюв цехида саноат роботларини тадбиқ этиш натижасида меҳнат унумдорлиги 15 процент ошди ва энг сермеҳнат операцияларда қўл меҳнати сарфи анча камайди.

Роботларнинг тадбиқ этилиши туфайли яқин орадаёқ мазкур корхонада фойдаланилаётган суюқ алюминийнинг 85—90 проценти улар ёрдамида қуйиладиган бўлади.

КОМПЛЕКС ПРОГРАММА

УЛАН-БАТОР. Монгол мутахассислари МХР қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган тармоқ комплекс программасини ишлаб чиқишга киришдилар. Узоқ муддатли бу программа чорвачилик, деҳқончилик, озуқа ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш мақсадини кўзлайди. Қишлоқнинг социал проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга, қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой шароитларини яхшилашга, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга, алоқа, транспортни, маданий-маиший хизматни янада ривожлантиришга катта эътибор берилади. Монгол олимлари ишларни совет олимлари билан биргаликда олиб бормоқдалар.

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЮТУҒИ

ГАВАНА. Сьенфуэгос вилоятидаги замонавий «таблон» чорвачилик поселкасида томига пальма япроқлари ёпилган ва қийшайиб турган кулба музей ёдгорлиги сифатида турибди. Уни барча қулайликлари бўлган тўрт қаватли уйларда яшовчи қишлоқ меҳнаткашлари миллионлаб кубалик деҳқонлар, батраклар ва чорикорлар ана шундай кулбаларда кун кечирган яқин вақтлардаги қоронғи ўтмишнинг хотираси сифатида сақлаб қолишган.

Қишлоқ хўжалигини кооперациялаш ленинча принциплари муваффақиятли суратда амалга оширилганлиги Куба революциясининг ғоят муҳим ғалабаларидан биридир. Қишлоқ хўжалигини кооперациялаш деҳқонлар оммасининг аҳволини ва унинг жамиятдаги ролини тубдан ўзгартириб юборди.

200 мингга яқин ерсиз деҳқон мамлакатда 1963 йилда ўтказилган 2 — ер ислоҳоти натижасидаёқ ер олди. Кейинги йилларда деҳқонларни қатъиян ихтиёрий равишда бирлаштириш жараёни давом этди. Ҳозир майда деҳқонлар миллий уюшмасининг маълумотларига кўра Кубада 1.100 дан кўпроқ кооператив ишлаб турибди. Бу кооперативлар ишлов бериладиган жамики ерларнинг 16 процентини эгаллаб турибди. Ҳамма ернинг 80 проценти давлатга қарашлидир. Кооператив хўжаликлар ҳанд-шакар, тамаки, сабзавот ва мева етиштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.



СУРАТДА: Гаванадаги денгиз аквариуми ҳамиша томошабинлар билан гавжум бўлади. Бу ердаги сув ҳавзаларида 100 дан ортиқ турдаги денгиз мавжудотлари тўпланган.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Саккизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 70 мингдан кўп болгар оиласи шинам квартираларга олди.

Мамлакатда уй-жой қурилишига катта аҳамият бериляпти. Халқ ҳокимиятининг 37 йили мобайнида республиканинг уй-жой фонди қарийб бир ярим баравар кўпайди. Уй-жой квартираллар билан бирга савдо корхоналари, маиший ва маданий муассасалар, мактаблар, болалар боғчалари, спорт иншоотлари қурилмоқда. Уй-жой районларини кўкаламзорлаштириш га, парклар, хиёбонлар, дам олиш жойлари, болалар майдончаларини барпо этишга кўп эътибор берилмоқда.

∴ ∴ ∴

БУДАПЕШТ. Венгриянинг катта саноат марказларидан бири — Секешфехерварни келгусида ривожлантириш плани ишлаб чиқилди. Республика шаҳар қурувчиларининг фикрларига қўшилиб шу асрнинг охирларига бориб, автомобилсозлар ва радиотехниклар шаҳрида янги микрорайонлар қад кўтаради, уларга 25 минг оила кўчиб киради. Айни маҳалда болалар боғчалари ва яслилари, маданий-маърифий муассасалар ҳамда маиший хизмат корхоналари қурилиши кенг кулоч ёйдирилади.

Секешфехервар атрофидаги автомагистрал тарихий ва меъморий ёдгорликлари кўп бўлган марказда транспортни камайтиришга ёрдам беради. Шаҳар маркази бутунлай пиёдаларга бериб қўйилади.

Секешфехервар ривожлантириш бош плани Венгриядаги 130 шаҳарни қуриш перспектив программасининг бир қисми бўлиб, бу программа шу шаҳарларнинг иқтисодий ривожлантирилиши н и, ландшафтнинг хусусиятларини, атроф-муҳитни муҳофаза этиш заруратини назарда тутади.

∴ ∴ ∴

ДЕҲЛИ. Ҳозир Ҳиндистон пойтахтида элликтадан кўп парк ва обод дарахтзорлар бор. Аҳоли тез кўпайиб бораётганлиги (у 5.7 миллион кишидан ошиб кетди) ҳамда чиқарадиган газлари билан ҳавони булғайдиган транспорт тез ривожланаётга н л и г и муносабати билан кўчалар ва уй-жой микрорайонларини кўкаламзорлаштириш га, янги дам олиш жойлари яратишга кўп эътибор берилмоқда. Деҳлини ривожлантириш бошқармаси шу йилнинг ўзидагина шаҳар ичида миллион тупга яқин дов-дарахт кўчати ўтқазишни мўлжалламоқда.

∴ ∴ ∴

ПАРИЖ. Французлар бу аҳоли пунктларини «ўлиб бораётган шаҳарлар», «танглик қурбонлари» деб атамоқдалар. Аввал битта корхона ёпилса ундан сўнг иккинчиси ўзининг синганлигини эълон қилмоқда. Натижада шу аҳоли пунктлари халқининг кўпи иш излаб, бошқа жойларга кўчиб кетмоқда.

Умуммеҳнат конференциясининг органи бўлмиш «Ви увриер» журнали шундай шаҳарлардан бири тўғрисида ҳикоя қилган. Руандан Гарбда жойлашган Монтвиль шаҳарчаси бир вақтлар «фаровон ва осойишта» шаҳарчалардан бири деб ҳисобланарди. Шаҳарча аҳолисининг кўпчилиги «Петиколен» химия заводида ишларди. Лекин ўтган йилнинг май ойида корхона эгаси завод фойда келтирмай қўйди, деб ҳисоблаб уни ёпди. Эндиликда Монтвилда ҳар тўрт кишидан уч нафари ишсиз. Шундай бўлгач, шаҳар аҳолиси катта-катта саноат марказларига яқин жойларга кўчиб кетмоқда.

∴ ∴ ∴

НЬЮ-ЙОРК. Американинг Миссури штатидаги Сентралиа деган кичик бир шаҳарда қаттиқ ёнғин чиқди. Ёнғин шаҳарни газ билан таъминлаш системасидаги авария натижасида вужудга келди. Бу авария сабаб уй-жой биноларида кўпдан-кўп портлашлар бўлди. Сентралианинг кўпчилик райондари аҳолиси шошилинч равишда кўчирилди. Дастлабки маълумотларга кўра нобуд бўлганлар йўқ.

∴ ∴ ∴

ҚОҲИРА. Ўчта уй босиб қолиб, уч киши ҳалок бўлди, ўн икки киши жароҳатланди. Бу фожиа Искандария шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларидан бирида рўй берди. деб ёзади «Ал—ахбор» газетаси.

∴ ∴ ∴

ТОКИО. Ўн минглаб япон оилалари учун ўз уйига эга бўлиш орзуси тобора рўёбга чиқмайдиган бўлиб бормоқда, деб хабар қилади Киодо Цусин информация агентлиги. Ер мулк идоралари таклиф қилаётган нархларга кўпчилик японларнинг қурби етмайди. Масалан, Токио чеккасидаги уч хонанинг чоғроқ бир квартираси камида 27 миллион иена (120 минг доллар) туради. Шунча сахили кичкина боғчаси бўлган кичик бир уй камида 39 миллион иена (180 минг доллар)га тўғри келади.

Уй-жой шароитларини яхшилаш умиди пучга чиққан миллионмиллион япон оилалари тузук мослашмаган, кўпинча эса энг оддий қулайликлари ҳам бўлмаган хоналарда яшашга мажбур бўлмоқдалар. Шунга қарамай, уй-жой қурилиши муттасил камайиб бормоқда.

Сиз суратда кўриб турган Я. Носиров бир неча йиллардан бери «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-йиғув цехида йиғувчи-слесарнинг касбини шарафлаб келяпти. Бу илғор ишчи ойлик план топшириқларини муддатидан илгари 120-130 процентдан бажариб бошқаларга ўрнак бўлмоқда. М. Нуриддинов фотолари.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

Шаҳар ободончилигининг партия-хўжалик активи йиғилишида 1981 йил учун якун ясалиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида бажариладиган ишлар қайд этилди. Йиғилишда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Ш. И. Исломов доклад қилди.

Шаҳримиз ободончилари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлашди. Капитал қурилиш ишлари планидан ташқари миллион сўмдан ортиқ қилиб бажарилди. Фурқат, Аҳмад Дониш, Ўзбекистон кўчалари фойдаланишга топширилди. Собир Раҳимов ҳайкали, «Халқлар дўстлиги» монументининг биринчи навбати ишга туширилди. Абдулла Қаҳҳор кўчасида, Салор канали кўприги қуриб битказилди. Бундан ташқари ўн тўртта автобус ва маршрутли таксиларнинг янги линияларини ишга туширилди.

Линияларга машиналарнинг ўз вақтида чиқиши учун ремонт устахоналарида барча шароитлари яратиш зарур. 7-автобус паркида, 2519-автоколоннада ишлаб чиқариш ва жорий ремонт корпуси реконструкция қилинди, 2-маршрутли такси корхонасида моторларни ремонт қилиш участкаси реконструкция қилинди. 3-таксомотор паркида комплекс цехлар ташкил этилди. 2, 7-автобус парклари, 7-таксопарк, 2-маршрутли такси корхонаси коллективи юқори кўрсаткичларга эришиб, биринчилардан бўлиб план топшириқларини бажаришди. 4-автобус парки шоферлари Т. Абдураҳмонов, Р. Боровский ва Г. Хвальколар республикамизнинг ўн беш пешқадами ташаббусига қўшилишиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилиб, меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда барча пассажир транспорти корхоналарида СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун зарбдорларча меҳнат қилинмоқда. 5-таксопарк шофери, коммунист М. Шангареев юбилей кунигача беш йилликнинг уч йили планини бажаришга аҳд қилиб ишламоқда.

Автотранспортчиларнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири автобуслар, маршрут таксиларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш ва йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ўтган йили транспортчиларнинг хизмат кўрсатишини яхшилаш, янги маршрутлар сонини кўпайтириш борасида бир қанча ишлар қилинди. Метронинг «Комсомол» ва Ленин майдони станцияларида янги автостанцияларнинг ишга туширилиши йўловчилар учун қулайлик туғдирди. Бундан ташқари ўн тўртта автобус ва маршрутли таксиларнинг янги линияларини ишга туширилди.

Линияларга машиналарнинг ўз вақтида чиқиши учун ремонт устахоналарида барча шароитлари яратиш зарур. 7-автобус паркида, 2519-автоколоннада ишлаб чиқариш ва жорий ремонт корпуси реконструкция қилинди, 2-маршрутли такси корхонасида моторларни ремонт қилиш участкаси реконструкция қилинди. 3-таксомотор паркида комплекс цехлар ташкил этилди. 2, 7-автобус парклари, 7-таксопаркда марказий бошқарув пункти орқали гараж-техника хизматига ўта бориш йўли билан иш ташкил этилаётгани учун оператив алоқа воситалари жорий этилмоқда. Келажакда автомобилларни сифатли ремонтдан чиқариш учун ихтисослаштирилган йўл участкалар сони янада кўпайтирилади.

Пассажир автотранспорти хизматидан кўпчилик фойдаланади. Ҳар куни бир миллион икки юз минг йўловчига хизмат кўрсатилади. Шунинг учун ҳам ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш учун кўп иш қилиш керак. Меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш, қатнов графигини бузаётганлар билан муросасиз бўлиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар кўп минг кишилик пассажир автотранспорти хизматчилари номидан гапиришди. Улар КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми белгилаган вазифаларни шараф билан адо этишга аҳд қилишди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари 1982 йил учун социалистик мажбурият қабул қилишди.

Пассажир транспорти бир маромда ишласин

«Главташпасс а в т о т р а н с» бошқармасининг партия-хўжалик активи йиғилишида ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилидаги қилинган ишларга якун ясалди. Пландан ташқари 3 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилиб, 1,7 миллион сўм фойда берилди.

Ўзбекистон ССР автомобили транспорти министри ўринбосари, «Главташпасс а в т о т р а н с» бошлиғи Ж. А. Шорахмедов ўз докладида бошқарма барча имкониятлардан фойдаланиши натижасида зиммага олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарганини таъкидлаб ўтди. Ўтган йили 2-автокомбинат, 7-таксопарк, 2-маршрутли такси корхонаси коллективи юқори кўрсаткичларга эришиб, биринчилардан бўлиб план топшириқларини бажаришди. 4-автобус парки шоферлари Т. Абдураҳмонов, Р. Боровский ва Г. Хвальколар республикамизнинг ўн беш пешқадами ташаббусига қўшилишиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилиб, меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда барча пассажир транспорти корхоналарида СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун зарбдорларча меҳнат қилинмоқда. 5-таксопарк шофери, коммунист М. Шангареев юбилей кунигача беш йилликнинг уч йили планини бажаришга аҳд қилиб ишламоқда.

Автотранспортчиларнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири автобуслар, маршрут таксиларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш ва йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ўтган йили транспортчиларнинг хизмат кўрсатишини яхшилаш, янги маршрутлар сонини кўпайтириш борасида бир қанча ишлар қилинди. Метронинг «Комсомол» ва Ленин майлигига етарли аҳамият берилмаётир. Марказий кўчалардаги чуқурларни ремонт қилишда ҳам бир қанча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам ремонт қилинган участкалар тезда ишдан чиқиб, яна ремонтга муҳтож бўлмоқда. Бунга мисол қилиб Навоий, Энгельс, Киров, Ўзбекистон кўчаларини ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини кўрсатиш мумкин. Ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трести ишчилари томонидан ремонт ишлари қониқарсиз бажарилмоқда. Нима сабабдан шу вақтгача кўчаларни комплекс ремонт қилиш ишларидан фойдаланилмайди? Ана шу камчиликларга барҳам бериш учун ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трести, ирригация ва ободонлаштириш трестлари, шаҳар электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда ҳамжиҳатлик билан ишлаб, олдиндан бажариладиган ишларни планлаштириб олиш зарур.

Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида ўн учта марказий йўллар, тўртта кўприк— Улуғбек, Қорасарой, Навоий— Фурқат, Пушкин кўчаси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти оралиғида кўприклар қурилиб битказилади. Н. В. Гоголь, Акмал Икромов, Ҳамид Олимжон, Пўлдон Охунбобоев-ларга ҳайкал ўрнатилади. Ана шу ишларни бажариш учун 45 миллион сўм ажратилди.

Шаҳримизнинг санитария ҳолатини янада яхшилашга катта аҳамият бериш зарур. Ҳалқа йўлида, темир-йўлларда, 2-Шимолий-Шарқ, Тошкент трактор заводи, Бешқайрағоч массиви ва бошқа жойлар етарли даражада тозаланмаётир. Ёритиш ва газ ёритгич рекламалари объектларини тартибли сақлаш ва ремонт қилиш ишларига етарли эътибор берилмаётир. Марказлаштирилган ташқи ёритиш бошқармасини ташкил этиш электр энергиясини иқтисод қилишда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу ишни кечиктириб бўлмайди.

Шаҳримиз қиёфасини гўзаллаштиришда дарахтлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳар бир аҳолига 50 квадрат метр майдонни кўкаламзорлаштириш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун куз ва баҳор ойларида ўтқазиладиган кўчат ўтқазиш ойлигида барча корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари коллективларини кўчат ўтқазишга жалб қилиш керак. Кўчатларнинг қуриб қолмаслиги учун ирригация шоҳобчаларида муntазам сув бўлишига эришиш лозим. Ўтган йили Тошмаслиги сабабли жуда кўп дарахтлар қуриб қолди. Шунинг учун бу ерга пуркагич фонтанчалардан кўпроқ ўрнатиш лозим.

Шу билан бирга ободонлаштириш Бош бошқармаси ҳузурида кичик механизация воситаларини тайёрловчи тажриба заводи ва конструкторлик бюросини ташкил этиш масаласи ҳамон ҳал этилган эмас. Йўл-қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш учун барча имкониятлар бор.

Янги йилда ремонт ишларини сифатли бажариш, ободонлаштириш объектларини намунали сақлашга эришиш, янги техникани ишга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини яхшилаш керак.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ҳизматчилари социалистик мажбурият қабул қилишиб, йиллик пландан ташқари 25 минг сўмлик капитал қурилиш ишларини бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга аҳд қилишди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри ўринбосари К. Н. Бекаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. У. Ниёзов иштирок этдилар.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Юздан кўп оила, Чортоқ район марказидаги бир қанча муассасалар ва «Москва» колхози арзон ёнилғи олди. «Ўзбекгазификация» трестига қарашли 2-Наманган кўчма механикалашган колонна коллективи қувур ётқизишни муддатидан бир ойдан ҳам камроқ вақтда ниҳоясига етказди. Йил охиригача яна 160 уйда зангори ёнилғи ёқилади. 10 километрдан кўпроқ магистрали «Чортоқ» санаторийсигача етиб келади.

∴ ∴ ∴

Самарқанддаги «Хлопкомаш» заводида жорий этилган янгилик 10 минг сўмгача маблағни тежашга ёрдам берди. Завод рационализаторлари Бутуниттифоқ табиий олмос ва асбоб-ускуналар илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик — технология институти олимлари билан ҳамкорликда чархлаш станогини янгиладилар.

∴ ∴ ∴

Пахтакор районидаги Ульянов совхозида юз абонентга хизмат қилувчи янги автомат телефон станция ишга тушди. Унинг ёнида бинокорлар алоқа бўлими биносини қуриб бердилар. Ҳозир райондаги бешта совхозда телефон алоқаси мавжуд. Беш йиллик охиригача бошқа хўжаликларда ҳам шундай автомат телефон станциялар ҳам ишлай бошлайди. (ЎзТАГ).

ФОТОАЛБОМНОМА

БУ ШАҲАР ҚИЁФАСИГА ДОҒ ТУШИРАДИ

Кимдир: «Балкон— уйнинг табассумидир» деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам жуда кўп уйларимиз гўзал қиёфаси, ҳар жиҳатдан тўкис, тартибли сақланаётган балконлари билан дилларни қувонтиради.

Афсуски, бунинг акси бўлган воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлиб турамиз.

Бунга Охунбобоев майдонидаги 4-уйни мисол келтириш мумкин.

Шу майдондаги 3-уйнинг 40-квартирасида истиқомат қилувчи «Госснаб» ходими Х. Юсупов, 53-квартирада яшовчи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти Н. Иброҳимова, 6-уйнинг 9-квартирасида истиқомат қилувчи Министрлар Советининг ҳайдовчиси Э. Зокиров ва бошқалар балконларга ўзларича ромлар ўрнатиб олишган.

Бу суратда эса Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги 38-уйнинг 20-квартирасидаги балконни кўриб турибсиз. 30-ЖЭК ходимлари квартира эгаси Е. Левашованни уйнинг олди томонидаги балконга ҳар хил қиймларни осиб қўйиш мумкин эмас, деб огоҳлантиришган эди. Бироқ уй эгаси бу огоҳлантиришга сира эътибор бермаяпти.



НЕАПОЛЬ ФОЖИАСИ

РИМ. «Неаполь тегидан ўт кетди», «Ер қаърида чиққан ажал», «Ўт устидаги шаҳар» — маҳаллий газеталарнинг ана шу сарлавҳалари даҳшатли фильмларнинг номини эслатади. Бироқ гап кино ҳақида эмас, балки реал содир бўлаётган воқеалар — ҳозир Неаполь ўз бошидан кечираётган фожиа ҳақида бормоқда. Мана ўн кундан ортиқ вақтдан буён шаҳарнинг бир қанча районларида ер ости ёнғинлари аста-секин авж олиб, ҳаммаёқни қамраб олмоқда.

Канализация туйнукларидан қуюқ аччиқ тутун бурқсиб чиқмоқда, ўт чирувчиларнинг барча уринишлари ҳозирча натижасиз бўлиб турибди. Ер ости йўлларига тушишга уринишлар ҳам муваффақиятсизлик к а учради. Маълум бўлишича, бу йўлларга ўтиладиган йўлкалар ифлос карсалар ва ахлатлар билан тиқилиб қолган экан. Буларнинг ёниши натижасида ис гази ҳосил бўлади, бу газларнинг кўплаб тўпланиб қолиши инсон ҳаёти учун хавфлидир. Ҳозиргинг ўзидаёқ дастлабки қурбонлар бор: газдан заҳарланган бир аёл ҳалок бўлган, олти киши оғир аҳволда касалхонага келтирилган. Маъмурлар хавфли районлардан ўнлаб оилаларни тезлик билан бошқа жойга кўчирди. Уларнинг ҳаммаси қашшоқлар яшайдиган квартираллардан бирида кун кечиришарди, бу ерда ахлат махсус ажратилган жойга умуман олиб кетилмас. натижада ахлат кўчаларда тоғ-тоғ бўлиб ўйилиб ётар ёки бўлмаса уларни канализация қудуқларига тўкишарди.

Неаполнинг узоқ тарихи давомида унинг аҳолиси ер остида амалда «иккинчи шаҳар»ни барпо этганлиги сабабли ҳам ёнғинга қарши кураш янада мураккаблашмоқда. Неаполь аҳолиси уйлар учун қурилиш материали бўлган туфни ер остидан актив равишда қазиб олар эди, кўплаб ер ости қувурлари ва канализация системаларини курган. Шу кунгача бирорта одам ҳам ахлат ўрага айлантирилган бу «ер ости салтанати»ни охиригача тадқиқ қилган эмас, деб таъкидлайди «Маттино» газетаси.

В. СОЛОМИН.

ФИЛЛАР ҲУЖУМИ

КАТМАНДУ. Непал жанубидаги тўртта кичик қишлоққа вақтий филлар ҳужум қилди. Филлар 20 га яқин уйни бузиб, шолипояларни пайҳон қилди. Шу қишлоқларнинг аҳолиси қочиб кетишга мажбур бўлди.

Непалнинг жанубида ҳар йили филлар ҳужуми натижасида одам қурбон бўлмоқда. Бу воқеа одатда «фил ўти» деб аталган кўк ўт қуриб қолиб, филларга озиқ-овқат етишмаган қиш ойларида рўй беради. Илгари филлар шу ўтлар ўрнига дарахтларнинг барги билан озиқланар эди. Энди ўрмонзорлар экинзорларга айлантирилиб, дарахтлар кесилмоқда ва филлар бунинг учун атроф қишлоқларнинг аҳолисидан ўзига хос «қасос» олмоқда.

Адабиёт ва санъат

ҚУЙ ВА ҚЎШИҚЛАР ГУЛДАСТАСИ

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси бадиий коллективлари шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб янги концерт программаларн тайёрлаш бўйича ижодий иш олиб боришмоқда.

— Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги ўзбек давлат симфоник оркестри, ўзбек Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи, «Ер-ёр», «Ханда» ансамбллари ва бошқа бадиий коллективларимиз дилбар куй ва қўшиқлар гулдастасидан иборат янги программаларни Ўзбекистон композиторлар союзи, таниқли композиторлар ва бастакорлар билан ҳамкорликда тайёрлашмоқда, — дейди ўзбек Давлат филармонияси директори О. Қ. Расулев.

Республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида концертлар бериш, пахтакорлар ва ғаллакорлар, чорвадорларнинг самарали меҳнатларига ўзларининг маданий хизматлари билан ҳисса қўшиш тадбирлари белгиланган. Жумладан шу кунларда республикамиз область ва районлари, колхоз ва совхозларида бўлиб ўтаётган қурултойларда «Шодлик», «Лазги», «Гўзал» ансамбллари дала меҳнаткашлари учун кўплаб концертлар беришмоқда.

Позиция — диёнат демак

(1981 ЙИЛ «КИЧИК ПРОЗАСИ» ҲАҚИДА ЎЙЛАР)

Тасаввур қилинг: она ухлаб ётибди. Ёнида гўдак боласи ҳам ухлаяпти. Бола йиғлагани йўқ, инграгани йўқ, умуман овози чиқмади. Аммо хиёл инжиди. Ёмон туш кўрдими, бирон ери оғридими... Шунда она уйғонадими-йўқми? Табиийки, она чўчиб уйғониб кетади. Уйғонади-ю дарҳол гўдакни бағрига олади. Негаки, она билан бола организми ўртасида кўзга кўринмайдиган, бироқ ниҳоятда беҳато ишлайдиган чамбарчас боғлиқлик бор.

Халқ билан, ўз юрти, Ватани, ўзи яшаётган жамият билан айнан шу даражада чамбарчас боғлиқлик ҳис этадиган, халқнинг, Ватаннинг, жамиятнинг ҳаётида рўй бераётган ҳар бир тебранишдан қалби ларзага тушадиган адибгина ҳақиқий ёзувчидир. Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар»ини ўқиганда катта қалбли Инсон шахсининг халқ билан, Ватан билан, жамият билан ана шундай чамбарчас боғлиқлигини чуқур ҳис этамиз. Ўтган йили Ватанимиз ҳаётида, халқларимиз турмушида ижодкор қалбини ҳаяжонга солувчи кўп тарихий воқеалар бўлди. КПСС XXVI съезди. Ўзбекистон Компартияси XX съезди. СССР Ёзувчиларининг VII, Ўзбекистон адибларининг VIII съездлари бўлиб ўтди. Бу тарихий анжуманлар босиб ўтилган йўлга якун ясади, янги режаларни белгилаб берди. Мана шу тарихий воқеалар ёзувчилар қалбида қандай тебранишлар уйғотди? Бу тебранишлар бизнинг қаламимизда қай даражада акс этиб, қоғозга тушди?

Мамлакат ёзувчиларининг VII съездида кўп муҳим фикрлар айтилди. Шулар орасида мен Фёдор Абрамов, Чингиз Айтматов ва Сарвар Азимовлар нутқини алоҳида таъкидлагим келади. Негаки бу чиқишлар фақат нутқ бўлиб қолмай, уларда жамиятимизнинг бугунги куни учун, эртаси учун жуда муҳим бўлган муаммолар катта ҳаяжон билан, катта қалб дарди билан ўртага ташланди. Шу жиҳатдан уларни ўтган йил бадиий публицистикасининг яхши намуналари деса бўлади.

Русларда чиройли бир матал бор: катта кема катта сувда сузади, дейишади. Ш. Р. Рашидовнинг «Раҳбарнинг камтарлиги» мақоласини, интернационал дўстликка бағишланган қатор асарларини, «Литературная газета» мухбири билан суҳбатини ўқиганда беихтиёр шу гапни эслаймиз. Жўшқин публицистик руҳ билан суғорилган бу мақолаларда пахтакор аёлнинг шароитини яхшилашдан тортиб Россиядаги сағиз ерларни ўзлаштириш борасида ўзбек ирригаторлари қилаётган улкан ишларгача, раҳбарнинг инсоний қиёфасига тааллуқли масаладан тортиб, халқлар дўстлигигача жуда кўп ва ранг-баранг муаммолар қамраб олинган. «Коммунистик жамият қурилиши тажрибасида,— дейди Шароф Рашидович «Литературная газета»да эълон қилинган мақоласида, —илгари кўрилмаган ва кўзда тутиш мумкин ҳам бўлмаган янги проблемалар пайдо бўлмоқда ва пайдо бўлади».

Хўш, адибларимиз мана шу муаммоларни ҳал этишда жамиятимизга, партиямизга қандай кўмак беришаяпти? Биз адабиёт — ҳаётнинг кўзгуси деймиз, ёзувчи— халқ дилининг таржимони деймиз, ёзувчининг гражданлик бурчи ҳақида гапирамиз. Бу гапларнинг барчасини битта ўзбекча сўзга жамлаб «ёзувчининг диёнати» деб атасак хато қилмаймиз. Ёзувчининг диёнати партия XXVI съездида айтилганидек, актив ҳаётий позицияда бўлишдан иборат. Мана шундай позиция жанговар жанр деб аталмиш бадиий публицистикада қай тарзда акс этяпти?

Ўзбек совет бадиий публицистикасида Яшин, Зулфия, В. Зоҳидов сингари устоз адиблар баракали ижод қилишган ва қилишмоқда. Ҳамид Ғулом ва Саид Аҳмаднинг пахтакорлар ҳақидаги, Н. Сафаров ва А. Мухторнинг бугунги куннинг жиддий муаммолари тўғрисидаги, О. Ёқубовнинг маънавият масалаларига бағишланган мақолалари, И. Раҳимнинг ирригаторлар ҳақидаги публицистик мақолалари кўпчиликка маълум. Сал илгарироқ нашр этилган «Ўзбекистон қўриклари» китобида ҳам яхши публицистик асарлар бор. Ўтган йили Мирмуҳсин, П. Қодиров, М. Қориев, С. Кароматов каби адиблар турли мавзуларда публицистик мақолалар эълон қилишди. Ш. Холмирзаев, А. Иброҳимов, Н. Қобул, Э. Усмоновларнинг турли масалаларга бағишланган мақолалари ҳам қалб кўри, юрак дарди билан ёзилган.

Кўп адиблар, жумладан ёш ёзувчилар Воҳид Зоҳидовнинг тиниб-тинчимаслигидан ўрнак олсалар арзийди. В. Зоҳидовнинг «Шарқ енгмоқда», «Оловли Афғонистон» мақолалари бугунги нотинч замоннинг жиддий сиёсий масалаларига бағишланади. Адиб афғонистонлик оддий деҳқон ҳаётидан тортиб саур инқилоби учун жонини фидо этган афғон қизининг қисматигача синчиклаб ўрганади ва бу ҳаётий воқеалардан муҳим хулосалар чиқаради.

Ўтган йил бадиий публицистикаси ҳақида гап кетганида Саид Хўжаевнинг ўзбек киносидаги айрим муаммолар ҳақида куйиниб ёзган мақоласини ҳам алоҳида эслатиш керак. Муаллиф ўзбек фильмларида миллий калорит яхши сезилмаслигини, режиссеру актёрлардан тортиб, бастакорларгача бу йўлда катта меҳнат қилишлари лозимлигини тўғри таъкидлайди. Темур Пўлатовнинг «Пластилиндан ясалган юрак» мақоласи ҳам жиддий масалага бағишланган. Ёзувчи ўз роҳатидан бўлак ҳеч нимани ўйлашни хоҳламайдиган мешчанларнинг чинордек бақувват жамиятимиз илдизига тушган юмшоқ, аммо зарарли шиллиқ қурт эканлигини ҳаяжон билан ёзади. Ф. Норхўжаевнинг «Обидалар — фахримиз» деб номланган мақоласида тарихий ёдгорликларни сақлаш борасида кўп ишлар қилинганлиги таъкидланади. Бироқ, бу йўлда ҳали қатор камчиликлар ҳам борлиги катта инсоний дард билан баён этилади.

Мен «дард» деган сўзни кўп ишлатяпман. Табиийки, бу дарди-ҳасрат деган маънони англатмайди. Ёзувчининг дарди — ёзувчининг меҳри. Халққа меҳр, Ватанга меҳр, жамиятга меҳр. Ёзувчининг истеъдоди қанча катта бўлса қалбидаги дарди ҳам — яъни меҳри ҳам шунчалик катта бўлади. Афсуски, бадиий публицистика жанрида яратилган кўп асарларда ана шу меҳрни, ана шу юрак дардини сезмаймиз. Инсоф билан айтганда тепасига «публицистика» деб ёзиб қўйилган мақолани ўқувчи ҳар доим ҳам қизиқиб қўлига олавермайди. Бунинг боиси нима? Публицистика жанрининг ёмонлигими? Орамизда публицистика ёзишни ўзи учун уят деб ҳисоблайдиган ёзувчилар йўқ эмас. Бироқ бу жуда нотўғри тушунча. Илья Эренбурглар, Константин Симоновлар, Ғафур Ғуломлар, Ҳамид Олимжонлар публицистикасини эсланг! Публицистикани эплаб ёзолмас эканмиз бунинг учун жанр эмас, биз айбдормиз. Мана, аксарият газета ва журналларда чиқиб турадиган публицистик асарнинг тайёр қолипи. Айтайлик пахтакор ҳақида ёзаяпмиз. «О, пахтакор, сенинг олтин қўлларинг билан яратилган «оқ олтин» хирмонини кўриб кўзимиз қувонади!». Энди ишчи ҳақида ёзамиз. «О, ҳазрати ишчи! Сенинг заҳматкаш қўлларинг жамиятимизнинг тиргагидир». Қарабсизки, саккизинчи март келиб қолди. Энди аёл ҳақида ёзилади. «О, она! Сенинг қўлларинг бешик тебратишга ҳам, «зангори кема» штурвалини бошқаришга ҳам қодир». Бундай «О»лар-у, абзац охиридаги хитоблар муаллифни қанчалик ҳаяжонга солишини билмайман. Бироқ на пахтакорни, на ишчини, на онани—ҳеч кимни, ҳеч кимни ҳаяжонга солмайди, энсасини қотиради. Негаки, бугунги китобхон қуруққа йўталгандек қуруқ дангир-дунгир садоларга муҳтож эмас. Бугунги китобхонга ақлли фикрлар керак. Мана шу фикрларни катта қалб алангаси билан айтмоқ керак.

Маълумки, бадиий публицистиканинг ҳикоя, повесть ёки романдан жиддий фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Ҳикоя ёки романда инсон тақдири, инсон образи, инсон фалсафаси диққат марказида турса, публицистикада фикрнинг ўзи образга айланади. Бу эса ёзувчидан жуда кўп нарсани билишни, жуда кўп далилларни солиштиришни, хуллас катта мушоҳада қудратини талаб қилади. Лекин яхши публицистик асар учун фақат катта ақлнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун катта қалб алангаси ҳам керак. Ёзувчи айнан шу мавзуда, айнан шу нарсани ёзмаса туролмайдиган аҳволга тушиб қолгандагина қўлига қалам олмоғи лозим. У ёғини сўрасангиз ҳаётимизда бадиий публицистика воситаси билан китобхонга етказилиши керак бўлган улкан ютуқлар ҳам, тараққиётимизга халақит бераётган ва биз кескин курашишимиз керак бўлган иллатлар ҳам оз эмас. Публицистика дегани фақат мадҳиябозлик дегани эмас. Мисол тариқасида битта муаммони айтишим мумкин. Аксарият олий ўқув юртларига кимлар киряпти, қай йўл билан киряпти. Яна ўн йилдан кейин бундай чаламулла мутахассислар жамиятимизга қандай наф келтириши мумкин? Нима учун эл эътиқодини қозонган адиблар бу муаммоларнинг илдизини очадиган жиддий публицистик асарлар ёзишмайди?

Ёзувчининг актив ҳаётий позицияси деганда мана шундай активлик ҳам тушунилади-ку! Ўзбек совет очеркчилигининг ҳам ўзига хос яхши анъаналари бор. Бизда портрет очерклари, йўл очерклари ёзишда каттагина малака орттирилган. Жумладан, ўтган йил тажрибаси ҳам шундан дарак беради. С. Анорбоев чорвадорлар ҳаётини яхши билади. Чўпонлар орасида кўп бўлган. Адибнинг «Қарноб чўлларида» деб номланган очерки шундан дарак беради. Ёзувчининг тасвири тиниқ, очеркни ўқиганингизда саратон офтобида куйган чўлда чўпонлар билан ҳамсуҳбат бўлгандек ҳис этасиз ўзингизни. Бироқ ёзувчи фақат чўпонлар жасоратини тасвирлабгина қолмайди. У чўпонлар ҳаётига оид бўлган жиддий масалаларни кўтаради. Ҳозир кекса чўпоннинг қўлидан таёғини оладиган ёшлар қолмади ҳисоб. Бунинг боиси нима? Ёшлар сояпарвар бўлиб кетдими? Йўқ, бунда раҳбар ташкилотларнинг ҳам айби бор. Модомики, шароит бўлмаганидан кейин ёшлар албатта шаҳарга интилади-да! Ахир ҳаёт дегани фақат тўйиб гўшт ейишдан иборат эмас-ку! Шу жиҳатдан очерк китобхоннинг хотирасида узоқ сақланиб қолади. Юлий Давудовнинг «Бухорода шундай даргоҳ бор» очерки ҳам дастлаб ҳазил-ҳузул гапдан бошланади-ю, бора-бора жиддий муаммоларга бориб тақалади. Ёзувчи Бухородаги кичик бир автомобиль йўллар техникуми тимсолида бугунги кун тараққиётига халақит бераётган муҳим масалаларни кўндаланг қўяди. Ҳуршид Дўстмуҳамедовнинг Восил Кобулов ҳақидаги очерки янгича услуби билан ўқувчини қувонтиради. Очерк улкан кибернетик олимнинг ўйлари шаклида баён қилинган. Асарда олим ҳақида мақтов сўзларию ҳамду санолар йўқ. Унинг қилган илмий ишлари ҳам санаб ўтилмайди. Бироқ қаҳрамоннинг кибернетика фанининг келажаги ҳақида, ёш олимлар тўғрисида ўйлари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади. Шу тарзда республикамиз кибернетикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган кишининг дунёси ўзидан очилади. Шароф Убайдуллаев, Норқул Хайитқулов, Анатолий Ершов, Расул Раҳмонов, Номоз Саъдуллаев, Солиҳ Қосимов, М. Пирматов, Ҳ. Олимжонов, А. Эгамназаров каби адиб ва журналистларнинг турли мавзудаги, турли одамлар ҳақидаги очерклари ҳам анча қизиқиш билан ўқилади. Бироқ менимча бизнинг очеркчилик тажрибамизда муҳим бир камчилик бор. Гарчанд табиатни асраш, яйловлар муаммоси, иқтисодий тараққиёт ҳақида кўп очерклар ёзилаётган бўлса-да, муаллифлар шу соҳани унчалик чуқур билмаслиги дарров кўзга ташланиб қолади. «Литературная газета»да эълон қилинаётган очеркларга назар солайлик. Уларни ўқиган киши муаллиф ўша соҳани ниҳоятда чуқур ўрганганига амин бўлади.

[Давоми 4-бетда].

ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР

Майлига қўйсак агар...

Машиналарнинг гули—
«Жигули»дир,
«Жигули!»
Варанглатиб минганда
Бир пул кўринар пули.
Чиройлидир туриши,
Сувдек равон юриши.
Ўзгача бир кайфи бор,
Ўнгу сўлга буриши.
Аммо бузилса борми,
Винти узилса борми,
Нафси ўпқон устанинг
Кўзи сузилса борми,
Жавраб-жавраб
боқарсан,
Чўнтак тубин қоқарсан.
Бир чақалик винтчага
Ўнталикни «тиқарсан».
Айтганини қилмасанг,
Ё назарга илмасанг,
Инграб ётар
«тулпоринг»,
Йўл-йўриғин билмасанг.
Воажабо, воажаб,
Бу қилмишга несабаб!!
Наҳот, катта-кичикдан.
Топилмаса ҳақ талаб!!
Бор-ку «запчасть»
дўкони,
«Мухтожлар»
пуштубони.
Бармоқ тишлаб
боқарсан,
Қуп-қуруқдир ҳар ёнк.
Сувни лойлатар мудир,
Лек сичқон бобмас
темир.

Каламуш тешмас уни,
Қачонгача сир бу сир!!
Нон қўшсак гар нонига,
Пул қўшсак кармонига
Сув қуйгандек
булурмиз
Чайқов тегирмонига.
Майлига қўйсак уни,
Тегар бизга тутуни.
Машинани биз эмас
Бизни минар бир куни.

Кўпни кўрган майдурман!

Фил келбатли зўрларни
Ерга урган майдурман.
Қул-қул этиб қошида
Кулиб турган
майдурман.
Нодон бўлса улфатим,
Ортар менинг
кулфатим,
Айби тушар бўйнимга
Шўри қурган
майдурман.
Билмам недир гуноҳим,
Кўпайса гар сипоҳим,
«Қирқ»-га етди-ку оҳим,
Зир югурган
майдурман.
Бахт қирони —
номимдир,
Хушёрхона домимдир,
Аччиқ ёш қаймоғимдир,
Қон тупурган
майдурман.
Ким жом олса қўлига,
Боқмай ўнгу сўлига,
Жом ғов бўлар йўлига,
Йўл супурган
майдурман.
Дўстлик-чун деб
ичарлар,
Соғлиққа тўн бичарлар,
Иккисидан кечарлар,
Кўпни кўрган
майдурман.

Бозорни қутқарайлик!

Бозорни хўп айландим,
Чигалларга бойландим.
Қўлга олсанг олмани,
Гўё дерди ол мани!
Қиё боқсанг гар
зимдан,
Бол томарди узумдан,
Кўкатлар ҳусни ўзга,
Суртсанг арзийди
кўзга...
Лек бозорнинг чархини,
Нози неъмат нархини,
Кўрдиму қотди бошим
Чил-чил синди
бардошим,
Тўрт манатдир тўрт
олма,
Есин сени қурт олма!
Уч сўм бир ҳовуч узум,
Кўрмасин сени кўзим!
Бир боғ пиёз думчасин
Нархи— танга хумчаси...
Юртимизнинг меваси —
Фаровонлик шеваси,
Не-не элларга етар,
Дастурхонни безатар,
Кўз ўнгимизда лекин,
Ноним бўлсин —
деб текин.
Бир тўда олиб-сотар,
Бозорни босиб ётар.
Ютай дерлар бозорни,
Қўйсанг ерлар бозорни.
Ҳой одамлар, қарайлик,
Бозорни қутқарайлик!

Жонибек ҚУВНОҚ.



Машҳур ашулачи Алла Пугачёванинг ҳар бир чиқишини томошабинлар катта қизиқиш билан қарши олишади.
СУРАТДА: А. Пугачёва Москва эстрада театридаги ижодий кечада янги қўшиқ ижро этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 541 ЙИЛЛИГИГА

ШОИРНИНГ САМАРҚАНДЛИК ДЎСТИ

Алишер Навоийнинг юксак эътибори ва эҳтиромига сазовор бўлганлардан бири Мирзобекдир. Навоий у ҳақда қатор асарларида оташин бир муҳаббат билан фикр юритади. Жумладан, «Мажолисун-нафоййс»да шундай ёзади: «Мирзобек — инсоний (одамгарчилик) ва хушахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Ва табъу фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона (даврнинг илғор кишиси) эрди ва табъи бу навъ таърифлардан мустағнийн (эҳтиёжсиз)дир. Бу матлаъ анингдуркум:

Кўзинг не бало қаро бўлубдур
Ким жонға қаро бало
бўлубдур.—

зулқофиятайндур ва қофиялари тарди аксим, жавоб айтмоқ бу фақир қошинда маҳолотдиндур. Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп бўлубдур, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерга битимас эрди. Бу матлаъни фақир тугатиб, анинг ёдгори девонда битибмен. Ҳайф, юз ҳайфким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умр нахли (дарахти) мевасидан баҳра емади. Мазори Самарқанд маҳфузасида— Аҳмад Ҳожибек мадрасасида мудаффиндур».

Навоийнинг бу маълумотидан биз Мирзобекнинг ўткир ақлли, нозик табъли, хушахлоқ ва ўз замонасининг барча соҳадаги пешқадам йигитларидан бири бўлганлиги ва шоир унга алоҳида меҳр қўйганлигидан воқиф бўламиз. У кучли шоир бўлишига қарамасдан, шеърларини бир жойда жамламаган. Навоий томонидан келтирилган юқоридаги байт Мирзобекнинг шоирлик таланти ниҳоятда ўткир бўлганлигидан далолат беради. Чунки бу байт зулқофиятайн (қўшқофияли) ва кўпмаъноли бўлиб. Навоий бу шеърга жавоб айтиш ғоятда мушкил иш деб баҳолаган. Афсуски, Навоий муҳаббатини қозонган ана шундай мухтарам зот кўп умр кечирмаган. Шу сабабли шоир юз оҳу надомат билан унинг бевақт вафот этганлигини қайд қилади.

Алишер Навоий Мирзобекни яна бир асари —«Соқийнома»да хотирлайди. «Соқийнома» тахминан 1496—97 йилларда ёзилган. Унда шоир Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Шайхимбек Суҳайлий, Паҳлавон Муҳаммад ва бошқа энг мўътабар дўстлари қаторида Мирзобекни ҳам тилга олади:

Соқий ё, базмда тут жоми висол,
Ким келур ёдима айёми висол.
Ўтти бир қарнки, ҳижрон
аромен,
Васл айёмига армон аромен
Ул бири оти чу мазкур бўлуб,
Мирзобек ила машҳур бўлуб.
Бу бири исмини айларда
хитоб—
Мир Дарвеш дебон шайх ила
шоб.
Ҳам анинг фурқати куйдурди
мени,
Ҳам мунинг ҳасрати ўлдурди
мени...

Мирзобекнинг «Соқийнома»да бу хил ўтли ва дардчил хотира ила махсус эсланиши Навоийнинг унга бўлган юксак меҳридан далолат беради.

Навоийшуносликда Мирзобекнинг самарқандлик эканлиги ва Навоий Самарқандда таҳсил олаётган йиллари (1465—68) у билан танишганлиги ҳақида батафсил фикр юритилган.

Навоийнинг «Фоний» таҳаллуси билан битилган форсий девонини варақлар эканмиз, бу масалага аниқлик киритувчи бир факт диққатимизни тортди. Девонда келтирилган таърихларда шоир ўзининг айрим замондошлари вафотини шеърий йўл билан муаммо усулида қайд қилган. Шундай таърихлардан бири Амир Султон Ҳасан ва унинг ўғли Мирзобекларнинг вафоти санасига бағишланган:

Мир Султон Ҳасан, ки як соат
Набудаш з-иштиғоли май дўрй.
Мирзобек —нури дийдайи ў,—
Буд масте шароби ангурй .
Ки қазошон расид з—офати
май,
Лек вақти хумору ранжурй
Буд мобайни фавташон даҳ сол,
В—ин бувад маҳз сидқу
машкурй.
Гашт таърихи фавти он
«махмур»,
В—ин яке шуд аён
з—махмурй».

Мазмуни: «Амир Султон Ҳасан бирор соат ҳам май ичишни канда қилмаган. Унинг нури дийдаси (ўғли) Мирзобек ҳам доимо узум шароби билан маст эди. Бироқ хуморлик ва хасталик вақтида май офатидан қазолари етди. Уларнинг ўлган йилларининг ораси ўн йил эди. «Махмур» сўзи бунинг ўлганига таърих бўлди, унисиники эса «махмурий» (хуморлиқ) сўзидан аён бўлади».

Бу таърихнинг охирги байтидаги «махмур» сўзида Мирзобек, «махмурий» сўзида эса Амир Султон Ҳасан вафоти қайд этилган. Агар бу сўзлардаги ҳарфларни абжад ҳисоби билан сонларга айлантирилса, 886 ва 896 ҳижрий саналари чиқади. Бинобарин, Мирзобек 886 (1481) йилда, унинг отаси эса 896 (1491) йилда вафот этган. Ғиёсиддин Хондамирнинг «Макоримул—ахлоқ» («Яхши хулқлар») асарида айтилишича, қитъа шаклида ёзилган бу таърих Навоийнинг мўъжизакор қаламидан чиққан нафис асарлардан биридир.

Мазкур таърихда диққатни ўзига жалб этувчи яна бир нарса Мирзобек ва отасининг шаробхўрликка ортиқ даражада майл қўйиб, ичкилик оқибатида касалланиб оламдан кўз юмганликлари ҳисобланади.

Ҳар ҳолда Мирзобекнинг майга ружуъ қилиши унинг риндона характерига хос хусусият бўлиб, инсонийлик ва хушахлоқликда ўз даврининг ягонаси бўлишига халал бермаган кўринади. Акс ҳолда асарларида бемаъни майпарастликни қаттиқ танқид қилган Навоий уни ўзининг энг қадрдон дўстлари қаторида алоҳида эҳтиром билан тилга олмаган ва фаолиятига юксак баҳо бермаган бўлур эди.

Шуниси қувонарлики, Мирзобек Хондамирнинг «Макоримул —ахлоқ» асарида ҳам эсланади. Чунончи, Алишер Навоийнинг олижаноб фазилатларидан бири бўлмиш инсонларга меҳрибонлик хусусияти васф этилувчи бир ҳикоятда Мирзобек унинг ҳамфикри ва оғир вазиятда кўмак берувчи дўсти сифатида намоён бўлади: «Бир навбат Султон Саид (Абу-саид Мирзо) амирларидан бир тўдаси Жаҳ-жаҳ атрофида Султони соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) аскарларидан бир бўлагини урушдан сўнг асир олиб, ўлдириш ва бошларини ўз подшоларига юбориш учун уларни ўзаро тақсим қилиб олдилар. Ҳазрати Султон (Ҳусайн Бойқаро)нинг яқин дўсти ва давлатли Олий ҳазрат (Навоий) Амир Султон Ҳасан Арҳангий ўғли Мирзобек билан бирга ўша аскаргоҳда эди. Қисқаси, асирларнинг икки нафарини Амир Султон Ҳасанга олиб келдилар, у ерда амирнинг ўзи йўқ эди. Олий ҳазрат шу жойда Мирзобек билан ўтиришган эди. Товачи (хабарчи) у икки кишини келтириб, дарҳол ҳар иккисини ўлдириб, бошларини юборингиз, деди. Олий хулқли Амир (Навоий) бу ҳолни кўриб, аҳволи ўзгарди ва Мирзобекка, мен уруш майдонининг фалон жойида бир ўлдирилган кишини кўрдим, жаллодга бир-икки танга беринг, унинг бошини келтирсин, асирлардан бирининг ўрнига ўтказсин, деди. Мирзобек эса буйруққа амал қилиб, бу билан Олий ҳазрат бир кишини қутқарди. Энди иккинчисини қайси йўл билан қутқариш фикрида эди, шу пайтда тўсатдан товачи етиб келиб, асирнинг бирини ўлдирмангиз, бир бош етади, деди. Шунга биноан уруш майдонидан келтирилган бир бошни топшириб, ҳар икки кишини озод қилиб юбордилар».

Кўринадики, Мирзобек Султон Ҳусайн Бойқаронинг асир тушган икки аскарини ниҳоятда қалтис вазиятда оқилона озод қилиб юборишда Алишер Навоийга ёрдам берган ва бу хавфли ишга ҳеч иккиланмай бош қўшиб, ўз жасурлиги ва Навоий билан ҳаммаслак эканлигини намойиш қилган. Бинобарин, у Алишер Навоий эътиборини бежиз қозонмаган экан.

Хондамир асарида Мирзобек отаси Султон Ҳасан Арҳангий шахсияти ва фаолиятини аниқлашда ёрдам берувчи маълумотлар ҳам бор. «Макорим-ул-ахлоқ»даги бир ҳикоядан маълум бўлишича, Навоий Самарқанддалиги пайтида Султон Ҳасан Арҳангий Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад Мирзо (Абу Саид Кўрагон ўғли) саройида амирлик лавозимида бўлган ва Алишер Навоий маълум муддат унга навкар бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик у Ҳусайн Бойқаро саройига хизматга ўтган ва Алишер Навоий энг юқори давлат лавозимларига эришган пайтларида ҳам унга доимо иззат-икром билан муносабатда бўлган.

Алишер Навоий нафис дидли дўстининг юқоридаги байтини бошдан-оёқ у ёзган услубда давом эттириб, тугал бир ғазал ҳолига келтиради ва ундан ёдгорлик сифатида биринчи девони «Бадойиъул-бидоя» («Илк гўзалликлар») таркибига киритади. Кейинчалик бу ғазал шоир ҳаётининг сўнгги йилларида тартиб берилган тўрт жилдли «Хазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси») асаридаги «Ғаройибус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари») девонидан ўрин олган. Мирзобек томонидан бошланган ва Алишер Навий томонидан ўта бадиий маҳорат билан тугалланган мазкур ғазал юксак санъат ва нафосат намунасидир:

Кўзинг не бало қаро бўлубдур,
Ким жонға қаро бало бўлубдур.
Мажмуън давони дард қилдинг,
Дардингки манго даво
бўлубдур.
Ишқ ичра онинг фидоси юз
жон,
Ҳар жонки санго фидо
бўлубдур.
Бегона бўлубдур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубдур.
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анго ҳаво бўлубдур.
Боқий топар улки бўлди фоний
Раҳравга бақо фано бўлубдур.
То тузди Навоий ояти ишқ,—
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур.

Алишер Навоийнинг бу ажойиб ғазали буюк шоирнинг самарқандлик дўсти Мирзобекка бўлган олий эҳтиромининг мумтоз тимсолидир.

Ш. ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. МИРЗАЕВ: Шаҳардаги 63-ҳунар-техника билим юртида ўқидим. Ўқиш даврида бош кийим олмаганман. Практика пайтида қурилишда икки ой ишлаганим учун ва отпуска ҳақини ҳам олмаганман. Мен бу ерда уч йил эмас, икки йил таълим олдим. Айтинг-чи, иш ҳақими ҳозир олишим мумкинми?

Жавоб: СССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинган қарорлар, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳунар-техника билим юртларини моддий таъминлаш учун сарфланадиган ҳаражатларни планлаштириш ҳақидаги методик кўргазмага биноан ва СССР Молия министрлигининг (1976 йил) ҳамда СССР Министрлар Советининг 1970 йил 14 майдаги қарорига мувофиқ шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари билим олишлари ва ишлаб чиқариш практикасида ишлашлари туфайли билим юртларига келадиган фойданинг учдан бир қисми билан рағбатлантириладилар. Демак, Сиз ҳам практикангиз даврида ишлаганингиз туфайли ўзингизга тегишли ҳақни олишингиз мумкин.

* * *

А. АБДУРАҲИМОВ, А. КАРИМОВ: Биз қурилиш ташкилотида ишлаймиз. Яқинда ўртоғимиз ишлаб чиқариш интизомини бузганлиги учун унга ҳайфсан эълон қилинди. Шунинг учун ҳам бизни интизомли жазо ва уни қўллаш тартиби қизиқтириб қолди. Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Жавоб: Қонунчиликда бир неча турдаги интизомий жавобгарлик борлиги кўрсатилган. Энг кўп тарқалгани бу ички типовой қоидага кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарликдир. Махсус интизомий жавобгарлик ҳам амалда қўлланилади.

Қонунга мувофиқ (СССР ва Иттифоқдош республикалар меҳнат қонунлари асослари 56-моддаси ва Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 158-моддаси (корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти қуйидаги интизомий жазони қўллайди: танбеҳ бериш, ҳайфсан эълон қилиш, қаттиқ ҳайфсан бериш, уч ой муддатгача маоши камроқ ишга ўтказиш ёки ўша муддатга пастроқ мансабга кўчириш ва ниҳоят ишдан бўшатиш. Айрим категориядаги ишчи ва хизматчилар учун Уставга биноан қонунчилик қаттиқ ижтимоий жазо қўллаши мумкин. Масалан, пастроқ мансабга бир йил муддатга ўтказиш, меҳнат мажбуриятини бир неча маротаба қўпол равишда бузганлиги учун ишдан бўшатиш мумкин. Интизомий чора сифатида жарима, нафақа ундириш, малака разрядини пасайтириш, класс учун қўшимча нафақани камайтириш каби жазолар қўллаш мутлақо мумкин эмас.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида»ги қарорида меҳнат интизомини қўпол равишда бузувчиларга нисбатан интизомий ва моддий таъсирчанликни кучайтириш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Мисол учун уларга санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар бермаслик, уй-жой олиш учун районда навбатдан кейинроққа ўтказиш, меҳнат отпускаси вақтини ўзгартириш ва бошқа шунга ўхшаш чоралар қўллаш тавсия этилган.

Прогул қилган ишчи ва хизматчилар (шунингдек ишга маст ҳолда келганлар) узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпуска берилишидан тўлиқ ёки қисман маҳрум этиладилар.

А. ХАСАНОВ,
юрист-консультант.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Нодир ҳайвонлар дунёсида

Узоқ Шарқ кинохроника студиясининг фильмида нодир ҳайвонлар дунёси акс эттирилган. Суратга олувчи группанинг «СССР Қизил китоби»га ёзилган нодир ҳайвонлар тўғрисида ҳикоя қилувчи картиналари маршрутлари Уссури тайгасидан Ўрта Осиё чўлларигача борадиган йўлни босиб ўтди.

Кичик бир сув каламуши экрандан сергаклик билан қараб турибди. Операторлар дарёларнинг қайир ерларида яшайдиган шу нодир ҳайвонни суратга олиш учун неча соатлаб пистирмада ётдилар. Сув каламуши қадимдан бери ўз мўйнаси билан шуҳрат қозонганлигидан унинг қисмати фожиали бўлди: унинг «Қизил дафтар»га тушганлиги бежиз эмас.

Кинокамера Узоқ Шарқ оҳуси— горални акс эттирган. Бир вақтлар у тамомила қириб битказилган эди. Энди бўлса ўлкада 300 тага яқин шундай ҳайвон бор. Лекин бу ҳайвон турини бутун сақлаш учун шу сон камлик қилади. Шунинг учун қўриқхоналар ва қатағонлар яратиш билан бирга вольерларда ҳам горал ўстирилмоқда.

Кинообъектив томошабиннинг Врангель оролига саёҳат қилишига имкон беради. У ерда энг шимолий давлат қўриқхонаси бўлиб, бу ерда морж, тюлень, оқ айиқлар сақланмоқда.

(ТАСС мухбири).
Хабаровск.

Позиция—диёнат демак

[Давоми. Боши 3-бетда].

Масалан, экономика соҳасида очерк ёзган адиб шу соҳани ҳар қандай экономистдан яхшироқ билади. Ирригацияга бағишланган очерк муаллифи эса ирригатор билан бир соат эмас, бир кун эмас, ойлаб бирга бўлганини, шу соҳанинг ипидан игнасигача ўрганганини ҳис этамиз. Афсуски, бизнинг очеркларимизда шундай фазилат кўринмайди. Ҳатто пахтакор ҳақида ёзилган очерклар ҳам инкубатордан чиққан жўжадек бир-бирига ўхшайди. Ахир пахтакор меҳнати қанчалик шарафли бўлса, шунчалик машаққатли эканини ҳаммамиз биламиз-ку. Нима учун ўша машаққатларни тасвирламаслик керак? Ахир шундай қилинганида пахтакорнинг жасорати ўқувчи кўз ўнгида янаям ёрқинроқ жонланмайдими?

Бизнинг очеркларда яна бир камчилик бор. Бу ҳам худди публицистикада бўлгани сингари қолип масаласи. Кўп очерклар тахминан мана бу тартибда ёзилади. Аввал табиат тасвири (кўпинча қуёш зар кокилини ёйган ёки йиғиштириб олаётган бўлади), кейин қаҳрамон билан танишув (у албатта қорамағиздан келган, чайир одам бўлади, албатта терим машинасидан тушиб келиб ёзувчи билан қўшқўллаб кўришади) ундан кейин қаҳрамон биографияси ҳақида озгина маълумот ва ниҳоят қаҳрамонга ҳамду санолар. Мана, сизга тайёр очерк! Бунинг сабаби шундаки, ёзувчи ҳали ўз қаҳрамонини билмасдан турибоқ қай тартибда ёзишни мўлжаллаб олади. Узоққа бормай ўзимдан мисол келтириб кўя қолай. Студентлик пайтимда бир газетадан топшириқ олдим. Орден билан мукофотланган тикувчи ҳақида очерк ёзадиган бўлдим. Қандай савол-жавоблар қилишимизни олдиндан мўлжаллаб қаҳрамоним олдига бордим. Тикувчи опани кўришим билан «ойингиз ҳам машиначи бўлсалар керак, сиз қизалоқлик пайтингизда уларнинг машинасида иш тикишни орзу қилгандирсиз?» деб сўрадим. Қаҳрамоним менга ҳайрон бўлиб қараб турди-да, шундай деди: «Ойим тугмачани тескари қадаб дадамдан икки марта тарсаки еган». Мен эсанкираб қолдим. Табиийки, у ҳолда қандай қилиб бунчалик машҳур тикувчи бўлиб кетдингиз, деган савол ҳадеб калламда айланар эди. Қаҳрамоним бу саволга ҳам жавоб берди. У тикувчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган экан. Ўқишни битириб институтга киролмабди. Дадасининг жаҳли ёмонроқ экан. Қиз бола узоққа бориб ишламасин деб уйининг яқинидаги ишга киритибди. Қаҳрамоним иш бошлаганидан кейин ўзи ҳам қизиқиб кетибди. Мана сизга ҳаёт! Лекин очеркларимизда ҳаёт ҳақиқати нима учундир бизнинг талабга бўйсинишини хоҳлаймиз... Ўзи чин юракдан севиб қолмаган одам ҳақида қандай қилиб очерк ёзиш мумкинлигига ҳечам ақлим етмайди. Ўша одам, нимаси билан дир бошқалардан ажралиб турсагина, нимаси билан дир ёзувчининг қалбини ларзага солсагина адиб айнан шу одам ҳақида очерк ёзиши керак-ку! Агар масалани шу тарзда қўядиган бўлсак кўп очеркларимиз ўз-ўзидан чиппакка чиқиб кетади.

Албатта, ижобий қаҳрамонни улуғлаб очерк ёзгани учун ҳеч ким ёзувчини койимайди. Бироқ баъзан шундай очерклар чиқадики, ўқиб одамнинг ғаши келади. Фалончи ўқитувчиликни ташлаб сувчи бўлибди, минг тасанно деб очерк ёзамиз. Тўғри, сувчилик шарафли касб. Аммо педагогликнинг ундан ёмонроқ касбми? Сувчининг ёзда қилган меҳнати кузда самара беради. Ўқитувчининг бу йил қилган меҳнати эса йигирма йилдан кейин самара беради. Боламизнинг 20 йилдан кейин ким бўлиши бугун унга педагог нимани ўргатишига боғлиқ. Эҳтимол ўша қаҳрамонимиз маълум манфаат учун педагогликни ташлаб қочгандир. Давлат уни нимага 15 йил ўқитди? Ахир сувчи бўлиш учун институтни битириш шарт эмас-ку! Қайтараман, мен ҳеч кимнинг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Ёзувчининг диёнати ҳақида гапиряпман, холос.

Уйимизга қишлоқдан деҳқон меҳмон бўлиб келса, қурилишда ишлайдиган қариндошимиз келса, қаламкаш сифатида эмас, одам сифатида, мезбон сифатида меҳмонимиз айтган кўп муаммоларни ҳаяжонланиб эшитамиз. Бироқ ёзаётганда нима учундир уларни четлаб ўтамиз. Қани бизнинг актив ҳаётий позициямиз! Ахир ёзувчининг қалами қанчалик муқаддас бўлса, қоғоз ҳам шунчалик муқаддас-ку! Биз очерк ёзамизми, публицистик асар ёки ҳикоями, аввало мана шу ҳақиқатни бир лаҳза бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ. Ўтган йили эълон қилинган ҳикояларни кўздан кечирсак, маълум тенденцияларни кўришимиз қийин эмас. Кейинги пайтларда тажрибали адиблар, катта ёзувчилар ҳикоя ёзмай қўйишди, деб кўп нолиймиз. Шахсан мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Аввало ёзувчига мана бу мавзуда ёки мана бу жанрда ёзасан, бунисида эса ёзмайсан, деб талаб қўйишнинг ўзи нотўғри. Ёзувчи қалбини ҳаяжонга солган нарсани мақбул топган жанрда қоғозга туширади. Қолаверса ›..› қандай жанрнинг тараққиёти ким асар ёзишига эмас, қандай асар ёзишига боғлиқ. Ўтган йили А. Мухтор, Мирмуҳсин, С. Аҳмад сингари устоз адибларимиз айрим ҳикояларини эълон қилишди. Бироқ ҳикояларни асосан ёшлар ёзишяпти. Менимча бу ҳам ёмон эмас. Ёш адиб катта жанрга қўл уришдан олдин бирмунча ихчам бўлган ҳикояда машқ қилса ёмон бўлмайди. Лекин бу повесть ёки роман ёзиш қийин, ҳикоя эса осон дегани эмас. Ҳикоянинг мушкуллиги шундаки унда кам гапириб кўп кўрсатиш керак. Бу жиҳатдан ҳам ҳикоя жанри ёзувчини анча нарсага ўргатади.

Ўтган йил ҳикоячилигидаги яна бир тенденция шундан иборатки, ёзувчиларимиз жанр имкониятларининг нақадар кенг эканлигини кўрсатдилар. Кекса адиб М. Осимнинг тарихий ҳикоялари, Маҳкам Маҳмудов, Т. Малик, Ҳ. Шайховларнинг илмий фантастик ҳикоялари, Н. Фозиловнинг воқеий ҳикоялари шундан дарак беради. Бу асарларнинг бири тарихий, бири замонавий, бири фантастик, яна бири ҳужжатли бўлишига қарамай уларнинг барчасини бирлаштириб турадиган муҳим хусусият бор. Бу —ёзувчиларнинг ўз асари орқали бугунги кун учун, қолаверса келажак учун муҳим бўлган ҳаёт фалсафасини ўқувчига сингдиришга уринишидан иборат. Ўтган йил ҳикоячилигидаги З. Аъламов, Н. Аминов, С. Сиёев, Э. Аъзамов, Х. Султонов, Н. Қиличев, Ғ. Хатамов, Ш. Исахонова, Э. Усмонов, О. Мухторов, М. Хазратқулов, Н. Раҳматов, А. Асилов, А. Ибодинов, О. Эргашев сингари адиблар анча баракали ижод қилишди. Бу муаллифларнинг ҳикояларини кўздан кечирган киши яна бир тенденцияни ҳис этади. Маълумки, бундан ўн-ўн беш йил илгари яратилган ҳикояларда нуқул муҳаббат масалалари, оилавий муаммолар қаламга олинар эди. Албатта бу мавзуларда ҳам ҳам ёзиш керак. Бироқ ҳар бир мавзунинг янги қирраси топилсагина ўқувчини ҳаяжонга соладиган асар дунёга келади. Кейинги йилларда яратилаётган ҳикояларда адиблар жиддий ижтимоий масалаларга, одамлар ўртасидаги мураккаб муносабатларга, яхшилик билан ёмонлик орасидаги абадий курашга мурожаат этишяпти. Шу тариқа ҳаётнинг жиддий фалсафасини кўрсатишга уринишяпти. Шу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, Учқун Назаровнинг «Акс-садо» ҳикояси диққатга сазовордир. Ҳикояда жуда муҳим масала —эътиқод масаласи кўндаланг қўйилади. Ҳикоя қаҳрамони кўп марта ўзи билмаган ҳолда ёки билса ҳам шароитга бўйсинган ҳолда ўз эътиқодига хиёнат қилади. Охир-оқибат виждони жунбушга келади...

Ҳаётда ғалати ҳодисалар бўлади. Ёзувчи ҳам тирик одам-да. Айрим адиблар бўш асар ёзиб қўядилар-да, ўқувчи мени тушунмаяпти, вақти келиб қадримга етишади деб ҳасрат қилиб юрадилар. Бу фикрга мен қўшилмайман. Яхши асар, айниқса замонавий мавзудаги яхши асар эълон қилиниши биланоқ китобхон ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетади. Лекин бунинг учун китобхон ўша асардан ўзининг дардини, ўзига ўхшаган одамларнинг қалб туғёнини, замоннинг муҳим масалаларини топмоғи керак. Ўтган йили эълон қилинган Шукур Холмирзаев ва Ўктам Усмоновнинг ҳикоялар тўпламида ана шундай дардлар, шундай муаммолар, шундай одамлар бўлгани учун ҳам китобхонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Ў. Усмоновнинг «Бировга қолган кунинг» ҳикояси шу жиҳатдан характерли. Ў. Усмонов «Бировга қолган кунинг» ҳикоясида амали бир поғона бўлса-да кўтарилишини умрбод орзу қилган, шу орзуси туфайли худбин шахсга айланиб қолган кишининг фожиасини ишончли тасвирлайди. Бора-бора ҳикоя қаҳрамонининг юраги одамларнинг дардига нисбатан сўқир бир нарсага айланиб қолади. Бироқ бетоб бўлиб касалхонага тушганидан кейин, ўзининг куни бировга қолганидан кейин дунё бошдан-оёқ адолатсизликка тўлиб кетгандек туюлади. Асарда одамлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар жуда ишончли, ҳаяжонли тасвирланган.

Одатда ёш адибларнинг ижод оламига кириб келишини шартли равишда уч туркумга бўлиш мумкин. Баъзи ёзувчилар адабиётга ёш ёзувчи бўлиб кириб келади ва соқоли оқаргунча ёш ёзувчи бўлиб юраверади. Бошқа адиблар адабиётга ёш ёзувчи бўлиб киради ва катта меҳнат эвазига иқтидорини такомиллаштириб жиддий ёзувчига айланади. Учинчи туркум ёзувчилар адабиётга тўғридан тўғри жиддий ёзувчи бўлиб кириб келади. Ҳеч бўлмаганда унинг машқларида жиддий ёзувчига, катта адибга хос бўлган куртаклар бўртиб туради. Кейинги йилларда адабиётга кириб келган икки ёш прозаик Эркин Аъзамов ва Хайриддин Султоновлар ҳақида шу фикрни айтиш мумкин. Ўтган йили Хайриддин Султоновнинг «Қуёш барчага баравар» тўплами эълон қилинди. Тўпламдаги ҳикоялар тиниқлиги, қаҳрамонларнинг жонли қиёфаси билан, ёш адибнинг муҳим ижтимоий масалаларни кўтаришга интилиши билан кишини қувонтиради. Эркин Аъзамовнинг «Қор босган довон», «Баҳор» ҳикояларида ҳам инсонлараро мураккаб муносабатлар ишончли тасвирланган. Эркиннинг қаҳрамонлари ўзи билан тенгдош одамлар. Улар ҳаёт учун фойдали одам бўлишга интиладилар. З. Аъламовнинг «Ўсма кетар, қош қолар» ҳикоясида, Ш. Исахонованинг «Ў» китобига кирган айрим ҳикояларда, О. Отахонов, Н. Қиличевларнинг янги ҳикоялар тўпламларида ҳам қатор фазилатлар бор. Бу адиблар ижод бобида анча тажриба тўплаган. Бошқа икки қаламкаш— Умрзоқ Муҳаммадиев билан Нормурод Норқобиловни эса ҳали кўпчилик билмайди. Ўтган йили уларнинг биринчи машқлари эълон қилинди. У. Муҳаммадиевнинг «Мармартош» ҳикоясида етим қолган боланинг изтироблари тасвирланган. Бир қарашда ҳикояда каттароқ ижтимоий фикр йўқдек. Бироқ, асарда мири кам икки дунёнинг чалкаш ишлари, бир эмас бир қанча инсон фожиаси таъсирчан ифодаланган. Ҳикояни ўқиган кишида болага нисбатан меҳр уйғонибгина қолмайди. Киши беихтиёр инсонлар тақдири ҳақида ўйга толади. Н. Норқобиловнинг «Чорраҳа» ҳикояси ҳам мавзу жиҳатидан «Мармартош»га ўхшаб кетади. Бу ҳикояда ҳам бола етим қолади. Ота бошқа аёлга уйланади. Бу бола ҳам изтироб чекади. Лекин ҳар иккала муаллиф бир-бирини такрорламайди. Ҳар иккала ҳикояни ўқиганда ҳам киши ҳаёт ҳақида узоқ ўйлаб қолади.

Бироқ ҳикояларимизда ҳамон жўн ечимлар, ўйлаб топилган воқеалар, маҳорат етишмаслиги туфайли кишини ҳаяжонга солмайдиган ситуациялар кўп учрайди. Б. Эгамқуловнинг «Бўри» ҳикояси яхши ниятда ёзилган. Унда оддий бир чўпоннинг муҳаббати, фожиаси тасвирланади. Бироқ китобхон қаҳрамоннинг изтиробига шерик бўлолмайди. Негаки асар қаҳрамони ўқувчи кўз ўнгида тузук-қуруқ одам сифатида жонланмайди ҳам. М. Аҳмедованинг «Байрамлик» ҳикоясидаги воқеа эса ниҳоятда примитив. Асар қаҳрамони—содда одам. Қишлоқ дўконидан хотинига мато сотиб олади. Буни қарангки, сотувчи керагидан камроқ пул олиб қолади. Асар қаҳрамони уйига борганидан кейин виждони қийналиб пулнинг қолган қисмини ҳам дўконга келтириб беради. Шу билан ҳикоя тамом. Албатта, ёш адибга жудаям максималист сифатида ёндошиш тўғри эмас. Умид қиламизки, бу ёзувчилар ҳали кўп яхши асарлари билан китобхонни қувонтирадилар. Уларнинг тўнғич ҳикояларидаги потенциал имкониятлар кўриниб турибди.

Ўтган йил ҳикоячилигида яна бир умумий камчилик бор. Маълумки, кейинги пайтларда экология масаласи, табиат ва инсон муносабати ҳақида кўп гаплар бўляпти. Бу чиндан ҳам жиддий масала. Аслида одамнинг ўзи табиатнинг боласи. Табиатга қўл кўтариш онага қўл кўтариш билан баробар. Украин адиби Евген Гуцало, грузин Н. Думбадзе ҳикояларида, Ч. Айтматовнинг айрим повестларида бу мавзу ғоят табиий ва айни пайтда фавқулотда чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Бироқ замонавий мавзуни модага айлантирмаслик керак. Мода бир дақиқалик нарса. Замонавийлик эса асрий ҳақиқат демакдир. Афсуски, кўп адиблар айниқса ёш ёзувчилар «бозори чаққон» мавзуга, инсон ва табиат муносабати мавзусига «ружу» қилишяпти. Бу мавзуда яратилган ҳикояларнинг кўпчилиги бир-бирига айнан ўхшайди. Фарқи шундаки, бирида от ўлади, бирида мушук, яна бирида ит ўлади, тағин биттасида эшак... У ёки бу мавзунинг бозори чаққон бўлгани учунгина шоша-пиша хом-хатала асар ёзиб ташлайдиган адибларни шахсан мен ҳурмат қилмайман. Адабиёт чайқов бозори эмас. Ахир ҳар қандай мавзуни ёзувчи аввало юрак-юракдан ҳис этиши керак. Ўша дардни ёзувчи ўз дарди деб ларзага тушмоғи керак. Ёзадиган нарсасини ўзининг виждон бурчи деб билмоғи керак. Фақат шундагина асар китобхонни ҳаяжонга солиши мумкин. Бинобарин, гап айланиб яна ёзувчининг позициясига— диёнатига тақаляпти. Ниҳоят барча жанрлар қатори ҳикояларимизда ҳам пахтакор образи тўла акс эттмаётганлигини таассуф билан эътироф этишга тўғри келади.

Бироқ пахтакор ҳақида публицистик асар, очерк ёки ҳикоя ёзиш— пахтакорлик касбини тасвирлашдангина иборат эмас. Бошқа ҳамма касб эгаси қатори пахтакор деганда ҳам табиийки, аввало инсонни тушунамиз. Унинг инсоний туйғулари, фазилат ва камчиликлари, орзулари-ю, фожиаларини тушунамиз. Бинобарин пахтакор ҳақида ёзиш ҳам инсонни кашф этиш демакдир. Ўйлайманки биз ёзувчилар пахтакорлар олдидаги бу қарзимизни узамиз.

Тасаввур қилинг: она ухлаб ётибди. Ёнида гўдак боласи ҳам ухлаяпти. Бола хиёл инжиши билан она дарҳол уйғонади. Уни бағрига босади. Негаки она билан бола организми ўртасида кўзга кўринмайдиган, бироқ ниҳоятда бехато ишлайдиган чамбарчас боғлиқлик бор. Ёзувчи халқ билан, ўз юрти, ўз Ватани, ўзи яшаётган жамият билан шунчалик чамбарчас боғланган бўлмоғи керак. Биз кўпинча ёзувчи халқнинг, Ватаннинг фарзанди деймиз. Керак бўлса ёзувчи ўз халқининг, Ватанининг, ўзи яшаётган жамиятнинг боласигина эмас, онаси ҳам бўлмоғи керак. Ана шу муқаддас тушунчаларни она даражасида севмоғи керак. Чинакам ёзувчи учун бундан катта бахт йўқ.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бошқа шаҳардан келган ёлғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхона билан таъминланадилар. Депо хизматчилари 50 процент ҳақ тўлаб форма кийими сотиб оладилар.

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай-троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БУЛИМИ

РСФСРНИНГ КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА;

Приморье ўлкасида жойлашган СССР «МИНВОСТОКСТРОЙ» ТРЕСТЛАРИГА;

Приморье ўлкаси ва Поволжье территориясида ишлаш учун СССР «МИНТРАНССТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТЛАРИГА;

СССР МИНЭНЕРГО ТАШКИЛОТЛАРИГА:

«ВОЛГОДОНЭНЕРГОСТРОЙ» ВА «КАВЭНЕГОСТРОЙ» ТРЕСТЛАРИГА;

Свердловск, Иркутск ва Томск областларида жойлашган

СССР «МИНЛЕСБУМПРОМ» КОРХОНАЛАРИГА

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Меҳнат шартномасининг муддати икки йил.

Справкалар ва ишга жойлашиш масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва район аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛ ЎРТА

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинисти, рефрижератор поездлари механиги.

17 ёш ва ундан катта бўлган 10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади ва уларга ойига 30 сўм; Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар учун ойига 72 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш муддати — 1,5 йил;
тепловоз машинисти ёрдамчиси (йигитлар). Ўқиш муддати — бир йил. Юк багажларини қабул қилувчи —, топширувчилар (йигитлар ва қизлар). Ўқиш муддати — 1 йил.

ЎҚИШЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚУРА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, паспорт ва маълумоти тўғрисида аттестат, турар жойидан справка, характеристика, 8 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00дан 17.00 гача, (ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-троллейбуслар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

УЗУКЛАР, ЗИРАКЛАР, ТЎҒНОҒИЧЛАР...

Баҳоси унча қиммат бўлмаган металлардан тайёрланган зебу зийнат буюмлари мода мухлисларининг диққатини ҳамон жалб этмоқда. Бундай зебу зийнат буюмларини ёш қизлар ҳам, ўрта ёшли аёллар ҳам бажонидил тақиб юришади. Бу буюмларнинг афзаллиги шундаки, улар модага мосланган, чиройли, нозик заргарлик ишлари билан ажралиб туради.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН 70 ЙИЛДАН БЕРИ ЗЕБУ ЗИЙНАТ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Улар орасида ишга кийиладиган костюмлар, кў... лакларга ярашиб турадиган жез ва мельхиор м... ишланган буюмлар, ёқут ёки хрезолит кўзли зир... ринлиги, оддийлиги билан ажралиб туради. Жез ... олтин суви юритилган металлдан тайёрланган зе... анъанавий шарқ услубида тайёрланган бўлиб, ула... кўйлакларни безайди.

Тошкент заргарлик заводининг маҳсулотлари б... кат бўйлаб 1000 дан зиёд савдо ташкилотларига ... қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ ... РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО Б... СИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ВА САНОАТ ... МАГАЗИНЛАРИНИНГ ГАЛАНТЕРЕЯ БУЛИ... СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Тошкент заргарлик заводи.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 9/II да **Келинлар қўзғолони,** 10/II да **Ғариблар,** 11/II да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/II да **Хотинимнинг эри,** 10/II да **Хизматингизга тайёрмиз,** 11/II да **Ёшликда берган кўнгил.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да **Отилмаган ўқ** (19.00), 10/II да **Тиконсиз типратиконлар,** 11/II да **Гуноҳкор авлиё.**

КИНО

8 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АНОР ОРОЛЛАРИДА» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«БУТУНЛАЙ АКСИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Мир** (17, 20.00).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ»— **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

9 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АНОР ОРОЛЛАРИДА» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«БУТУНЛАЙ АКСИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ»— **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

8 ФЕВРАЛЬ—ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.50 «Стадион барча учун». 19.20 Магадан область бадиий коллективларининг чиқиши. 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари —ҳаётга! «Сибирь тупроғи. Ямал гази». 20.15 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Франциядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича кўргазмали чиқишларнинг давоми. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар» Киноилова: «Шоир ва фан». «Пушкин қўлёзмалари». Илмий оммабоп фильмлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Эркин кураш бўйича Халқаро учрашув. СССР—АҚШ терма командалари. «Измайлово» спорт саройидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Учувчилар». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.50 Кўрсатувлар программа-...

...раммаси.

9 ФЕВРАЛЬ —СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Моҳир қўллар». 10.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.10 «Орзулар рўёбга чиққанда». Фильм-концерт. 12.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «СССР халқларининг музикали фольклори». 16.35 «Қувноқ стартлар». 17.20 Қ. Қораев. Симфоник поэма. 17.40 СССР билан Испания ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг йиллигига, «Пиренеялар ортида — Испания». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Совет қўшиқларидан концерт. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Халқ оҳанглари. 19.45 «Рассом И. Глазунов». Ҳужжатли фильм. 20.25 «Одам қиёфасини ўзгартиради». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Б. Ясенскийнинг шу номли романи асосида. 1-серия. —«Ёз». 21.30 «Время». 22.05 «Одам қиёфасини ўзгартиради». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. — «Куз» 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Балет артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Ижод учун шаҳодатнома». Илмий-оммабоп фильм («Леннаучфильм»). 9.35 ва 13.05 Шахмат мактаби. 10.05 ва 12.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 ва 11.35 Физика. 10-синф. 11.05 Ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларига. Астрономия. Астрономиянинг амалда ...

... коллективларининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Сула — тундра дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь). 22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати «Торпедо» —МАСК. 3-давр. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 23.00 II Бутунроссия конкурсининг лауреати И. Ерохина чалади (домбра). 23.15 «Советская Россия» газетасининг соврини учун тўпли хоккей бўйича Халқаро турнир. СССР —Швеция терма командалари. 2-тайм. Сиктивкардан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Соябон». Мультфильм. 18.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». (такрорий). 18.30 Успенский номли республика музика мактаби ўқувчиларининг концерти. 19.10 «Миллионлар ленинча университети». Бекобод металлургия комбинати коллективининг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш тажрибаси ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». А. Навоий туғилган кунининг 541 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 С. Алёшин. «Ҳамма нарса одамларга қолади». Телеспектакль премьераси. 2-қисм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Қизиқарли математика 18.40 «Экскаваторчи Галенко». ... ўқи- ... Физика. ... Теле- ... 20.20 ... фильм. ... Санъат ... МТ II.

...рхона- ...урияти, ...ташки- ...мудири- ... вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66: саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-56-81: ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33-29-70: эълонлар бўлими —33-81-42: нашриёт диспетчери 32-78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

8 ФЕВРАЛЬ, 1982 й. Р— 02775. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 6